БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 16 февраль Жума № 33 (13.469). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

СССР Олий Советининг сессияси очилди

МОСКВА. (ТАСС). 14 февраль куни Кремлда СССР Олий Советининг учинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида очилди. Сессияни СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев кириш нутқи сўзлаб очди.

Сессиянинг кун тартиби жуда хилма-хил ва ранг-баранг. 50 та масалани муҳокама қилиш мўлжалланмоқда, улардан 20 таси биринчи галда кўриб чиқилиши зарур. СССР Олий Совети Президиумининг яқин вақт ичида СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари Съездини чақириш тўғрисидаги таклифи кун тартибига киритилган. Сиёсий система, мулкчилик, Совет давлатини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан СССР Конституциясига бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, мамлакатимизда демократик президентлик ҳокимиятини таъсис этиш масаласини кўриб чиқиш зарурати шу съездни ўтказишни тақозо этмоқда.

Сессияда энг муҳим иқтисодий қонунлар, жумладан мулкчилик тўғрисидаги, ер ҳақидаги, социалистик корхона, солиқ системаси тўғрисидаги, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий негизлари ҳақидаги қонунларнинг лойиҳаларига, ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган мана шу қонун лойиҳаларига катта эътибор берилади.

Миллий сиёсат соҳасидаги қонунларни янгилаш алоҳида долзарб масала эканини эътиборга олиб, Олий Совет комитетларида ва палаталарнинг доимий комиссияларида ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш тўғрисидаги, иттифоқдош республиканинг СССР Конституцияси 72-моддасига мувофиқ ССР Иттифоқидан чиқиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш ҳақидаги бир қанча қонун лойиҳалари кўриб чиқилади. Депутатлар граждан-ларнинг миллий тенг ҳуқуқлилигига тажовуз қилганлик учун ва СССР территорияси бирлигини зўрлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилишлари лозим.

Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари тўғрисида, фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий режими ҳақида ҳамда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг жамоат тартибини сақлаш вақтидаги вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисида мамлакат ҳукумати тақдим этган қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳам таклиф қилинди. Тегишли комитетлар ва комиссиялар мазкур қонун лойиҳалари юзасидан ўз хулосаларини тақдим этадилар. СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг қарорига мувофиқ сессия СССР Олий Советининг жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитетини сайлаши керак.

Мажлисда СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов сессия кун тартиби ва иш тартиби юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг таклифларини баён этиб берди. У СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездини 27 февралда чақириш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг таклифини сессия муҳокамасига киритди.

СССР Олий Советининг сессияси апрель ойининг охирларида тугайди, деб мўлжалланмоқда.

ЖАДАЛ ВА ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТЛАР ЗАРУР

М. С. Горбачевнинг СССР Олий Совети учинчи сессияси очилишида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! СССР Олий Советининг учинчи сессиясини очар эканман, сессия кўриб чиқадиган масалаларнинг характери жиҳатидан у одатдаги парламент йиғилиши доирасидан анча кенг бўлишини тўла ишонч билан айтишни истардим. Сессияда амалга оширилиши жамиятимиз тараққиётида туб, сифат ўзгаришларига олиб келадиган қонунлар қабул қилиниши зарур. Сессиянинг мамлакат турмуши учун аҳамияти ҳам, сизлар билан бизнинг улуғвор масъулиятимиз ҳам ана шу билан белгиланади.

Биз ўз ишимизни бошлаётган вазиятнинг хусусиятлари тўғрисида гапирмай бўлмайди. Энг муҳими — қайта қуриш турмушнинг барча соҳаларини ва аҳоли қатламларини қамраб олиб, демократия, ошкоралик, озодлик, одамларнинг эркин фикрлаши ва ташаббус кўрсатиши жиҳатидан қараганда кўп нарса берди. Инқилобий янгиланишга қаратилган йўл мамлакатнинг ижтимоий тараққиётини кескин жадаллаштирганлиги рад этиб бўлмайдиган фактдир.

Шу билан бирга халқ депутатларининг иккинчи Съездида ҳам, партия марказий комитетининг Пленумида ҳам таъкидланганидек, мамлакатда қайта қуриш жараёнларининг бориши, суръатлари ва натижаларидан, истеъмол бозоридаги аҳволдан, миллатлараро муаммолар кескинлашганлигидан, тартиб бўшашиб кетганлигидан норозилиқ пайдо бўлди ва кучаймоқда.

Ҳозир амалда жамият ўз талабида якдилдир — барча йўналишлардаги ишларни кучайтириш, ишчанлик ва масъулиятни кескин ошириш, тартиб ўрнатиш, интизомни мустаҳкамлаш зарур. Умуман, ўртоқлар, биз биринчи навбатда иқтисодиёт соҳасида жадал ва қатъий ҳаракатлар зарур бўлган марраға етиб келдик.

Халқ депутатларининг Съезди иқтисодиётни соғломлаштириш юзасидан ҳукумат таклиф этган шошилинч ва истиқболга мўлжалланган тадбирларни тасдиқлади. Аммо бу тадбирлар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, бор-йўғи программа бўлиб, унга кўра ҳукумат ҳам, унинг қарамоғидаги қуйидан то юқоригача бўлган идоралар ҳам, албатта, мамлакат меҳнат коллективлари ҳам кун сайин сабот билан иш олиб боришлари зарур.

1990 йилнинг ўтган бир ярим ойи ҳозирча хавотирлигимизни камайтирмади. Белгиланган тадбирларни амалга оширишда марказий органлар даражасида анчагина қолоқлик ва тарқоқлик содир бўлмоқда. Оддий ишчанлик етишмайди, бундай вақтда ҳеч кимнинг қўл қовуштириб ўтиришини кечириб бўлмайди. Иқтисодиётни бошқаришнинг заиф жараёни ҳозирча тўхтатилмади. Корхоналар ўртасида бевосита хўжалик алоқалари суст йўлга қўйилмоқда, монополиячиликни, гуруҳлар манфаатларини чеклаш воситалари ишга солинмаяпти. Буни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас, ҳаракат қилиш зарур. Ҳали иқтисодий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган жойларда эски ёндашувларни қўллаш керак. Ўтиш даври шу билан ажралиб турадики, ҳозирги вақтда ҳар иккала ёндашувларнинг биргаликда амалга оширилишига йўл қўйиш мумкин. Бунда албатта янгиликка, олға томон ҳаракатга асосий эътибор бериш лозим.

Агар кимларгадир ваколатлар етишмаса — бундай ваколатлар берилиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш даркор. Аммо агар маҳорат ёки шунчаки масъулият етишмаса, унда бутунлай бошқача гаплашиб олиш лозим.

Ғоят кўп нарса ҳукуматга, марказий органларга сўзсиз боғлиқдир. Бироқ, белгиланган программанинг бажарилиши учун, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил ва озиқ-овқат саноати, хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо соҳаси — аҳолининг кундалик эҳтиёжларига таааллуқли барча соҳаларда жуда катта масъулият республика, маҳаллий органлар зиммасига тушади.

Жойлардаги кадрларимиз тайёрга айёрлик кайфиятларидан секинлик билан халос бўлмоқдалар. Кўпгина ҳолларда уларнинг беларволиги ва айтиш мумкинки, масъулиятсизлиги туфайли ижтимоий кескинлик рўй бермоқда. Темир йўл транспортининг иши деярли издан чиққанлиги, ҳамма жойда вагонлардан ўз вақтида юк туширилиши йўлга қўйилмаганлиги аёндир. Натижада эса халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, бутловчи буюмлар, хом ашё, корхоналарнинг барқарор ишлаши учун зарур бўлган бошқа моддий ресурслар манзилга етказиб берилмаяпти.

Биз ҳозир шундай иш кўришимиз керакки, шошилинч чоралар бир вақтнинг ўзида, ўзаро боғлиқ ҳолда қабул қилинсин ва иқтисодий ислоҳот олға томон дадил борсин. Бу, айтиш мумкинки, масаланинг икки жиҳатидир. Ислоҳот йўлида меҳнат унумдорлиги ва ташаббусни ривожлантиришнинг янги қудратли омилларини жорий этилишини таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги шаклларига йўл очиб бериш лозим. Бошқача йўл йўқ, бу хусусда жамиятда келишувга эришилган. Сўнгги вақтдаги тажриба бугунги кундаги барча ўткир муаммоларни айни бутун хўжалик механизмини, айниқса, ишлаб чиқариш муносабатлари бутун системасини қайта қуриш йўлида тубдан ҳал этиш мумкинлигидан яна бир бор далолат бермоқда. Қайта қуришда, туб иқтисодий ислоҳотда сусткашлик бугунги қийинчиликларимизни янада кескинлаштириши мумкин. Бу борада кўп нарса Олий Советга, унинг мазкур сессиясига боғлиқ бўлади. Мамлакат ушбу сессиядан энг аввало мулкчилик ва ер тўғрисидаги қонунларни, шунингдек иқтисодий қонунларнинг бутун мажмуасини кутмоқда.

Бошқа соҳаларда ҳам ислоҳотлар, ўзгартиришлар зарурлиги ғоят сезилмоқда. Миллатлараро муносабатларни олиб кўрайлик. Ҳозирги вақтда биз ҳаммамиз бир қанча регионларда рўй бераётган воқеалардан ташвишга тушмоқдамиз. Совет Федерациясини тубдан ўзгартиришни жадаллаштириш йўли билангина одамлар қурбон бўлишига ва моддий талафотларга олиб келадиган қийин муаммоларни чинакам ҳал этиш, марказдан қочирма, айирмачилик каби хатарли тенденцияларни тўхтатиш мумкинлиги тобора яққол бўлиб қолмоқда.

Бошқа нарса: бу йўлдаги тадбирлар барча миллат кишилари қаерда яшашидан қатъий назар, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатъий ҳаракатлар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарур эканлиги ҳам аёндир.

Биз ҳаммамиз мамлакатимиз жанубидаги воқеалар фожиали тус олганлигидан қаттиқ қайғурмоқдамиз. Бу воқеалар одамларнинг ҳалок бўлишига, улар ўзлари яшаб турган ерлардан оммавий равишда қувилишига олиб келди.

Мен ўз яқинларини йўқотган ҳамда уйлари, доимий истиқомат жойларини ташлаб кетиб, кулфатга йўлиққан оилаларга Олий Совет номидан чуқур ҳамдардлик билдиришни хоҳлар эдим. Узоқ вақт мобайнида юзага келган мураккаб масалаларни сиёсий ҳал этиш йўлларини қидириш учун барча ишлар қилинди. Лекин минглаб одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш учун бошқа ҳеч қандай илож қолмагач, Олий Совет Президиуми фавқулодда чоралар кўришга мажбур бўлди. Ҳозир у ердаги аҳвол, агар таъбир жоиз бўлса, назорат қилинмоқда, бироқ аҳвол ҳали ҳам кескин бўлиб турибди. Биз аввал келишиб олинганидек, юзага келган вазиятни қараб чиқиш ва умумий куч-ғайратлар билан оқилона ёндашув топишга яна бир бор уриниш учун алоҳида вақт ажратишимиз керак. Менга айтишларига қараганда, республикаларнинг ҳам шундай хоҳиши бор.

Ҳаёт Олий Советнинг бундан аввалги сессияси қарорлари тўғрилигини кўрсатди ва бу қарорларнинг рад этилиши оғир оқибатлари бўлган фожиаларга олиб келди. Ваҳоланки, ушбу қарорларнинг асосий мазмуни икки халқ манфаатларини уйғунлаштириш, Озарбайжоннинг суверен ҳуқуқи ва бутунлигини тасдиқлаш ҳамда тоғли Қорабоғ халқининг Озарбайжон ССР таркибида ривожланиши учун барча зарур кафолотларни таъминлашга қаратилган эди. Бизнинг мақсадимиз шундай ва у ушбу масалага қайтган вақтимизда эътибор қилишимизга моликдир.

Бокудан алангаси Душанбе шаҳрига ўтган сўнгги воқеалар ҳам миллатлараро адоватнинг ниҳоятда хавфли эканлигидан дарак беради. Бу воқеалар зўравонлик авж олган ўзига хос занжир реакциясидир. Бу ерда гап, ўртоқлар, мамлакатимиз тақдири ҳамда гражданларимизнинг хавфсизлиги ҳақида бормоқда. Биз ёнғинни тўхтатиш учун барча ишларни қилишимиз керак. Миллатчилик эҳтиросларини авж олдираётган ва тўқнашувлар келтириб чиқараётганларга жуда қаттиқ туриш, уларга қарши ҳаракат қилиш лозим.

Бу одамлар разилона ҳаракат қилмоқдалар, ўзларини сояга олиб, кўпчилик орасидан туриб ёшларни, болаларни, хотин-қизларни олдинга олиб чиқмоқдалар, уларни сал бўлмаса, тўппонча ўқталиб, қонунга хилоф равишда Конституцияга қарши гаплар айтишга ва ҳужжатларга қўл қўйишга мажбур қилмоқдалар.

Биз халқларни миллий уйғониш шиорлари остида ўз нафсониятлари, тор доирадаги худбинлик мақсадларида курашга тортаётганларга нисбатан қонуннинг бутун кучини қўллашимиз керак.

Тегишли қонун лойиҳаси Олий Советга тақдим этилди. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига иложи борича тезроқ қўлланиш учун муҳокама қилиш ва қабул этишга тайёрлашни топшириш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни секинлаштиришга ҳақимиз йўқ.

Ўртоқлар! Жамиятимизга сиёсатнинг ниҳоятда сингиб кетганлиги бугунги вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Қайта қуришнинг асосий мақсадларидан бири шунда ва бугун ниҳоятда кенг халқ оммаси давлат ва жамият ишларини амалда бошқаришга киришаётганликларини фақат табриклаш мумкин. Республикаларда ва жойларда сайлов тугаганидан кейин советларнинг яхлит, янги структураларини тузиш ниҳоясига етказилди. Бу аслида сиёсий системамиз фаолият кўрсатишида туб ўзгариш бўлганлигини

(Давоми 2-бетда).

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

Мақсад аниқ бўлгач

Бу галги учрашувга у алоҳида ҳозирлик кўрди. Сайловолди мулоқотлари бамисоли Ҳамза Эшназаровни шахсий ҳаётига бир назар ташлашга, нима қилди-ю нимага эришди ва ниҳоят у энди қандай мақсадларни кўзламоқда, шу саволларга жавоб беришга даъват этарди. Зеро, сайловчилар ҳам ўз номзодларини яхши билишади. Унинг кимлиги, нимага қодирлиги кўпчиликка аён. Айримларга ўхшаб у ваъдаларга эрк беришни асло ёқтирмайди. Аксинча, бир фикрни айтдими, уни амалга оширмагунча, тиниб-тинчимайди. Модомики, унга ишонч билдираётганлар ундан кўпгина юмушларни бажаришга умид қилишаётган экан, у эса бунинг учун бутун куч ва билимини аямаслиги лозим.

Ҳақиқатан ҳам ўша кунги учрашув баҳсли ўтди. Ҳозирги овоз берувчилар олдинги сайловчилардан тубдан фарқ қилишади. Илгарилари юқоридан кимни таклиф қилишса, шунга ишонч билдирилиб, кетаверишарди. Энди бўлса, демократия ва ошкоралик боис, ўзлари маъқул деб топган номзодларгагина овоз беришлари мумкин. Сайловчилар саволлар билан Ҳ. Эшназаровни «кўмиб» ташлашди. Номзод ҳар бир сайловчининг фикрини илғаб олар, айрим рақамларни ён дафтарига туширар ва уларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиларди. Учрашув давомида кейинги йиллар учун режалар тузиб олаётгани аниқ эди. Зеро, йиғилганлар ўз ҳаётларида бурилиш бўлишини, халқнинг ижтимоий турмуш тарзи тубдан ўсишини талаб этишарди. Тўғри, улар қўяётган талабларнинг ҳаммасини бажариш номзоднинг қўлидан келмас. Ҳарқалай, у жумҳуриятнинг юқори органи олдига ана шу масалаларни қўйиши ва унинг бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мана, қўлимда номзоднинг ҳаракат дастури. У тўрт саҳифадан иборат бўлиб, ҳаётимизнинг кўп қирраларини қамраб олган. Диққатимни номзод меҳнат қилаётган Янгиер ноҳия халқ таълими бўлимидаги ишларнинг йил сайин йўлга қўйилаётгани тортди. У мудирлик қилаётган бўлимдаги мактаблар 10 йил давомида 65 фоизи замонавий биноларга кўчирилган. Ҳар йили 370 ўринли янги мактаб ишга туширилаяпти. Зеро, жумҳуриятдаги бор-йўғи 24 фоиз мактаб типовой бинода жойлашгандир. Болаларни боғчага қабул қилиш ҳам шу даврда 40-45 фоизга ошди. Бундан ташқари бир сменада ўқишни ташкил этиш, кашшофлар саройини кенгайтириш, ёш техниклар ва табиатшунослар станциясини очиш, узоқ масофадан қатнаб ўқийдиганлар сонини камайтириш каби бир қатор долзарб масалалар борки, улар билан Ҳ. Эшназаров доимий шуғулланади.

Бўлажак депутат ўз фаолиятини фақат бугунги юмушлар билан чегаралаб қўйишни асло ёқтирмайди. У аниқ режалар асосида иш тутишни маъқул кўради. Шу боис, энг аввало ўзи масъул бўлган вазифаларни тўла-тўкис бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ундан сўнг ўзи билан боғлиқ, аммо юқори партия ва совет ташкилотларининг аралашиши зарур бўлган юмушлар ўрин олган. Яна бир туркум вазифалар шундан иборатки, уларни агар депутат бўлиб қолса, албатта, жумҳурият миқёсида кўтаришни режалаштирган.

385-Наврўз сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган Ҳамза Эшназаров асли форишлик. У кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилди. Сўнг Гулистон ва Комсомол ноҳияларида комсомол, партия ташкилотларида ишлади. Мана 11 йилдирки, Янгиер ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири. Унга мактаб ва унинг атрофидаги муаммолар беш қўлдек маълум. Шу билан бирга унга ишонч билдирган сайловчилар талаби ҳам ўринли. Хуллас, қилинадиган ишлар режаси аниқ. Яна бир неча кундан сўнг бўладиган сайловлар эса унинг зиммасига янада катта масъулият юклаши турган гап.

И. УСМОНОВ.



АНДИЖОН. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларига саноқли кунлар қолди. Сайлов участкаларида сўнгги тайёргарлик ишлари ҳам поёнига етказилмоқда. Халқ депутатлигига номзодлар ҳар бир бўш дақиқадан фойдаланиб, ўз сайловчилари билан мулоқотда бўлмоқдалар, ҳаракат дастурларини тушунтирмоқдалар, уларнинг никазлари, талаб-истакларини эътиборга олмоқдалар.

СУРАТДА: 37-сайлов участкаси олдида.

Б. ЮСУПОВ олган сурат

ЎзТАГ.

«Аввало иш бўлсин...»

Муҳиддин аканинг шиори бу. Қуруқ ваъдаларни жини суймайди. Қолаверса, шу пайтгача босиб ўтилган йўл, ҳаётий тажрибанинг мантиқли хулосаси бу.

Йўл деганимиз анча серқирра, сермазмун. М. Нарзиқулов 1951 йилда Сирдарё вилоятининг Ховос ноҳиясидаги Жуйлангар қишлоғида туғилди. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтини битирди. Ҳарбийда бўлди. Оқ олтин ноҳиясидаги Ворошилов давлат хўжалигида катта инженер, кейинчалик мазкур ноҳия комсомол қўмитасининг котиби бўлиб ишлади. Ундан кейин вилоят комсомол қўмитасининг бўлим мудири, Ильич ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. Комсомол мактабини ўтаб, анча тобланган М. Нарзиқуловни ноҳия партия қўмитасига таклиф этишди. Ана шундан буён у партия-хўжалик ишларида. Ҳозирда Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари сифатида фаолият кўрсатаётган М. Нарзиқуловга вилоят меҳнаткашлари катта ишонч билдиришди: Жиззах шаҳаридаги 363-сайлов мавзесидан жумҳурият халқ депутатлигига унинг номзодини кўрсатишди.

Биз номзод билан учрашиб, ундан режалари, ҳаракат дастури билан таништиришни сўрадик.

— Аввало ёшларимизни ўйлантираётган муаммолар билан шуғулланмоқчиман, — дейди номзод. — Вилоятимиз институт ва ўрта махсус билим юртларида 21 минг талаба таҳсил кўрмоқда. Шуларнинг 9 минги ётоқхонада жойлашган бўлиб, 6 минг талаба, стипендиясиз ўқимоқда. Ётоқхонада улар учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган. Бунинг учун жумҳуриятимиздаги талабаларнинг шароитлари билан танишиб чиқиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш керак. Бу нарсаларни амалда бажариш учун бўлса, икки миллион 840 минг сўм маблағ сарфланади. Бу маблағларни жойлардаги колхоз ва совхозлар ва бошқа ташкилотлар бизга моддий ёрдам кўрсатгандагина ишларимиз амалга ошади. Шунингдек, ёшларимиз учун махсус дам олиш жойлари барпо этилмаган. Бу уларни тубанлашиб боришига катта таъсир кўрсатади. Бу ишларни зудлик билан амалга ошириш керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда яқинда сув спорт саройини, жисмоний тарбия соғломлаштириш комплексини битириб фойдаланишга топшириш арафасидамиз. Бундан ташқари Жиззах шаҳрини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳар бир маҳалланинг тарихини яратиш, транспорт ишларини яхши йўлга қўйиш ва яна бир қанча муаммоларни ҳал қилишни ўз зиммамга оламан.

Депутатликка номзоднинг сайловолди ҳаракат дастури билан танишган байналмилалчи жангчи Т. Абдуллаев, акушер-гинеколог Л. Тригубова, Жиззах педагогика институтининг II курс толиби Х. Раҳмонбердиев ва бошқа бир неча ўртоқлар М. Нарзиқулов ҳақида яхши фикрлар айтишди.

О. АЛИМОВ,
«Ёш ленинчи» газетасининг штатсиз мухбири.

Юракларда дардимиз кўп

Депутатликка номзодлик... Халқнинг юрагидаги ташвишларини, дардларини елкасига олишга журъат қилган кишилар шу кунларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишмоқда. Азиз Носиров ҳам ишлаб чиқариш жамоаларида, турар-жойларда бўлиб, ёшлар билан суҳбат қураётир. Жонли мулоқотлар ўтказмоқда. Сайловчилар ёшларнинг ишончли вакили юракларидаги гапларни тўкиб солишмоқда. Мухбиримиз сайловчилар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширди.

Маъруфжон ВАЛИЖОНОВ Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси:

— Ёшларнинг қалбига қулоқ соладиган номзод кўрсатилаётганидан хурсандмиз. Ахир ўйланг, хўжалик ёшлари учун ишдан сўнг ёзилиб дам оладиган, кўнгил очадиган маскан йўқ. Клуб ночор ҳолатда. Бирор тадбир ўтказайлик десак бошимизни қаёққа уришни билмаймиз. Тўғри, янги клуб қурилишига ҳаракат бор. Аммо туртки бўлмаса, ҳолва, деган билан оғиз чучимайди. Хўжалик ёшлари учун стадион қурила бошланган эди. У ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Номзодимиз сайланиб қолса, зора бизнинг орзу-умидларимиз ҳам рўёбга чиқар.

Каримжон МИРЗАТОЖИЕВ, хўжалик комсомоллари етакчиси:

— Ёшларнинг ташвишларини тинглайман-у, уларнинг уддасидан чиқа олмаётганимиздан қўлимиз калталигидан қийналиб кетаман. Ҳозир хўжаликда 600 дан зиёд ишсиз бор. Уларнинг аксарияти ёш уй бекалари. Биз шундай қарорга келдик. Хўжалигимиз бригадаларидаги мавжуд иккита дала шийпонларидан бирини тўқув цехларига айлантирмоқчимиз. У Чуст трикотаж-тикув фабрикасининг филиали бўлади. Шу йўл билан 150 кишини ишга жойлаштирамиз. Аммо бизнинг ҳаракатимиз қўллаб-қувватлашга муҳтож. Мен буни номзодимизга, агар сайланиб қолса, биринчи топшириқ қилиб қўйишни истардим. Қолаверса, Машат, Тошқўрғон, Кармана қишлоқларига ичимлик суви керак. Дунёнинг ишлари қизиқ-да. Кармана қишлоғида насос ёрдамида Чустга сув олинади-ю, қишлоқнинг ўзига берилмайди.

Малоҳат ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Гулзор» болалар боғчаси тарбиячиси:

— Салкам саккиз мингга яқин аҳоли яшайдиган қишлоқда тўртта болалар боғчаси бор. Ундан учтаси жамоа хўжалиги ҳисобида. Аёлларимиз ишга чиқа олмаётганининг сабаби ҳам шунда. Жойлар етишмайди. Хўжалигимиз ўн йилдан бери пахта етиштириш топшириқларини бажармайди. Бўйнигача қарзга ботган. Шундай экан, давлат бюджети ҳисобидан боғча қурилмаса, бирор нарсани ўзгартириш қийин.

Хожнаҳмад СОТИБОЛДИЕВ, 30-мактаб директори:

— Мактабимизни кўрсангиз, шу ерда болалар ўқийдими, дея ҳайрон бўласиз. Фиғонингиз фалакка чиқади. Яхшиси, — таъкидлади у,— ўзингиз кўринг.

Биз билим масканида бўлдик. Унинг чор-атрофи ифлос, қазиб ташланган тўнкалар қалашиб ётарди. Спорт майдончаси четларида шағалтош. Ҳовли томонда тоғдек уюлган тупроқ. Маълум бўлишича, 417 ўринли мактаб биносининг қурилиши 5 йилдан буён ўлда-жўлда экан. 133-МПМК қурувчиларининг парвойи палак. Яқинда тупроқ уюми устидан йиқилиб, икки бола оёғини синдирибди. Манзарага қараб, жим тура олмайсиз. Қурилиш атрофи тўсиқ билан тўсилмаган. Қўлбола қилиб, ўқитувчиларнинг ўзи қурган 100 ҳамда 60 ўринли ошхонага кириб, ёқа ушлайсиз. Кўнглингиз вайрон бўлади. Тўғриси, болаларнинг ана шу шароитда овқатланишга ишонгингиз келмайди. Аммо бор гап.

Олмос қишлоғилик **Турсунали САНАЕВ** саволини ёзма равишда берди: — «Қишлоқ механизаторларининг иш вақти чегара билмайди, 15-16 соатлаб ишлаган пайтларимиз ҳам бўлади. Айниқса, ёзнинг жазирама иссиғида трактор кабинасида чидаб бўлмайди. Аммо биз чидашга мажбурмиз.

Механизаторлар 45-50 ёшга етмай, ишга яроқсиз бўлиб қолишади. Кейин қўлда кетмон билан далага чиқадилар. 60 ёшида пенсияга чиққан механизатор жуда кам. Истардикки, бизнинг пенсия муддатимиз қайта кўриб чиқилса».

Саволлар, ҳақли талаблар... Уларнинг ҳаммаси оддий меҳнаткашлар қалбидаги оғир дардлардир. Шубҳасиз, муаммоларнинг кўпи номзод ҳаракат дастуридан ўрин олган.

—Аслида,—дейди Азиз Носиров, — халқнинг ҳақли сўровларини ҳаракат дастури қилиб белгилаган маъқул. Ҳавойи, баландпарвоз гапларнинг кераги йўқ. Муҳими, уларнинг қалбига қулоқ солиб, ташвишларини елкамизга олсак, юракларга озгина бўлса-да, ёруғлик олиб кирсак, шунинг ўзи катта иш.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ЖАДАЛ ВА ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТЛАР ЗАРУР

[Боши 1-бетда].

билдиради. Марказий Комитет февраль Пленумининг СССР Конституциясининг олтинчи моддасини ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги таклифи ҳам бу жиҳатдан принципиал аҳамиятга эга.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда, шунингдек кўплаб янги жамоат ташкилотларининг пайдо бўлиш жараёни давом этаётганлиги мамлакатимизда янги вазиятни вужудга келтирди, халқнинг куч-ғайратини қайта қуриш манфаатларига бунёдкорлик ўзанига йўналтириш имконини беради. Биз митингларда ва намойишларда қайта қуришнинг боришини жадаллаштириш учун курашаётган, бюрократизм, хўжасизлик, масъулиятсизликка қарши курашни кучайтиришни, қонунларга қатъий риоя этилишини, жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш юзасидан кескин чоралар кўрилишини, транспорт, савдо ва хизмат соҳасида, шаҳарларимиз ва посёлкаларимиз кўчаларида тартиб ўрнатилишини талаб қилаётган совет кишиларининг интилишларига худди ана шу нуқтаи назардан қараймиз.

Буларнинг ҳаммаси демократия, ошкоралик, қайта қуришни ривожлантиришнинг табиий жиҳатларидир.

Шу билан бирга, ўртоқлар, сизнинг эътиборингизни масаланинг бошқа томонига ҳам жалб этишни хоҳлардим. Жамоатчилик ташаббуси билан жунбушга келган ана шу хайрли демократик жараёнлардан мақсадлари халқ манфаатларидан ва жамиятни революцион янгилаш эҳтиёжларидан узоқ бўлган кишилар фойдаланиб қолмаслиги биз учун жуда муҳимдир. Айни вақтда маъмурларга бўйсунмасликка ундаш, қонунларни бузишга, зўравонликка даъват этиш, онгли равишда норозиликларни авж олдиришга, ваҳима туғдиришга уринишлар эътиборидан четда қолдирмаслигимиз ва уларга тегишли баҳо беришимиз керак. Айбдорлар қонун олдида қатъий жавоб беришлари лозим.

Биз тузишни хоҳлаётган ҳуқуқий давлат энг аввало мамлакатни мавжуд турли-туман қарашлар ва манфаатлар ўзини бемалол ошкор қилиш, сиёсий тузилмалар доирасида ўзини ҳимоя қилиш, ўз мақсадларига сиёсий воситалар ёрдамида эришиш имкониятига эга бўлиш билан фарқ қилади. Бутун моҳият мана шунда ўртоқлар. Чунки биз эркин сайловларни нима учун жорий этдик, съезд ва Олий Совет нима учун ишлаяпти, кенг ошкоралик нима учун қарор топяпти, жамиятни демократлаш нима сабабдан авж олмоқда ва чуқурлашмоқда, деган саволлар туғилмоқда. Конституцияга амал қиладиган барча гражданлар ва ташкилотлар ошкора сиёсий жараёнда қатнашишлари мумкин. Сабрсизлик, зўравонлик, тўс-тўполонни афзал кўрадиганларни эса ўзларини демократлар, хилма-хил фикрлар ва эркин ғоялар мусобақаси тарафдори қаторига ҳеч қўшиб бўлмайди. Матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиз ҳам бунёдкорлик жараёнларини вайронагарчиликдан аниқ фарқлаб олишлари кераклигини ҳам айтмоқ лозим. Улардан тартибсизлик, низолар ва зўравонлик келтириб чиқарувчи чақириқ сифатида фойдаланишга эса умуман йўл қўйиш мумкин эмас.

Хусусан, ёш, ҳали куч-қувватга тўлмаган демократиямизни ҳимоя қилиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш биздан қатъий ҳаракатларни талаб этади. Бугун қандайдир шахсий манфаатлар ва юмушлар, фақат аҳоли айрим табақалари ва гуруҳларининг фаровонлиги олдимизга мақсад қилиб қўйилган эмас. Бу ерда гап қайта қуриш қандай бўлиши, унинг демократия ва тотувлик йўлидаги олижаноб мақсадларига гражданлар ва миллатлараро адоватларсиз, зўравонликсиз эришиш олишимиз мумкинлиги тўғрисида кетяпти. Қайта қуриш рўй бераётган жараёнларга кўплаб турли ёндашувлар, фикр-мулоҳазалар, қарашлар келтириб чиқаради. Бу нормал ҳол, бу жараён — шуни олдиндан айтиш мумкинки — бундан кейин ҳам ривожланади. Лекин биз ҳозир энг муҳим нарсада: қайта қуришнинг ўзини ҳимоя қилиш зарурлигида якдил бўлишимиз керак.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, бу ёққа оғмасдан, жуда катта имкониятларимизни ҳам, бизга хавф солаётган хавф-хатарларни ҳам муттасил ўйлаган ҳолда ишлайлик. Қатъиятлик ва қатъий равишда олға қараб ҳаракат қилайлик, демократиямиз.

Фақат шундагина давлатимиз олдида турган жуда катта вазифаларни ҳал қилишимиз мумкин.

СССР Олий Советининг фаолиятининг ана шу масъулиятли босқичидаги ишда сизларга муваффақият тилашга ижозат бергайсиз. СССР Олий Советининг учинчи сессиясини очиқ деб эълон қиламан.

---

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни



Муҳаррир, она ва шоира

Шундай тоифа аёллар борки, улар мансаб чўққиларининг юқори пиллапояларига кўтарилсалар ҳам, шу пиллапояни яланғоч елкасида кўтариб турган меҳнаткаш одамларни асло унутмайдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси аъзоси, «Саодат» журнали бош муҳаррири, истеъдодли шоира Ҳалима Худойбердиева мен билган ана шундай элпарвар аёллардан биридир. Сўнгги пайтда, одатда, раҳбар ходимлар ҳақида мақтов сўзлар айтиш расм бўлмай қолди. Чунки биз ишонган, ўз тақдиримизни қўшқўллаб топширган аксарият арбобларнинг бугунги аччиқ қисмати бизга маълум. Лекин барибир ўтган кунларимизни буткул йўққа чиқариш раҳбарларимизнинг ҳаммасини баб-баравар айблаш инсофдан бўлмас.

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»ининг муқаддимасида «Мозийга қараб иш тутиш хайрлидир», деб ёзган эди. Мен Ҳалима Худойбердиева ҳақидаги мухтасар сўзимни ҳам яқин ўтмишдан — бундан роппа-роса уч йил муқаддам Қашқадарёдан Тошкентга иш излаб келган «қаро» кунларимдан бошлашга қарор қилдим.

Ушанда мен она юртимдан пойтахтга ўз ихтиёрим билан эмас, балки атрофимда содир этилаётган носоғлом хатти — ҳаракатлардан — тазйиқ-у, таъқиблардан қутулиш, партия билетимни тоза сақлаб қолиш учун келишга мажбур бўлган эдим. Лекин бундай «таржимаи ҳол» билан Тошкентда ишлаб қолиш мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Бунинг устига Қарши Давлат педагогика институти комсомол-ёшларининг етакчиси билан шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби ўртасида вужудга келган кескин зиддият шов-шувлари Тошкентга ва айниқса мен иш сўраб мурожаат қилган газета, ё журнал редакцияси раҳбарларига ҳам аллақачон етиб улгурган эди. Қайсар табиатли ва шаккок йигитни ишга олишга ким ҳам журъат этарди, дейсиз.

Ана шундай кунларнинг бирида не бир ҳадик, ҳаяжон билан «Саодат» журналига — Ҳалима Худойбердиева ҳузурига иш сўраб бордим. Қарши шаҳар партия қўмитаси бюросида уч маротаба партиявий масалам муҳокама қилинганини, уч сафар ҳам бюро аъзолари мени партия сафига нолойиқ топишганини ва ниҳоят вилоят партия қўмитаси аралашувидан сўнггина навбатдан ташқари чақирилган тўртинчи бюро йиғилишида мени партияга қабул қилишганини — ҳамма-ҳаммасини рўй-рост опага айтдим.

Ажаб, опа менга ишонди. Бошқа муҳаррирлар каби «ўйлаб кўрамиз» ҳам демади, вилоятга сим қоқиб суриштириб ҳам кўрмади, нуфузли идоралардан рухсат ҳам сўрамади. «Қийналиб партияга кирибсиз, энди ишингизга қараб баҳо берамиз...» деди, холос.

Бугун — орадан атиги уч йил ўтиб, ўзим янги журнални таҳрир қилиб турган бир пайтда Ҳалима опа мени ҳеч нарсадан ҳайиқмай ишга олган ўша кунларни ўйлаб ҳайратланаман...

Сиз, муҳтарам ғазетхон, Ҳалима Худойбердиевани ушбу суратдаги каби қалин қошларини чимириб, завқ-шавқ билан шеър ўқиб турган бахтиёр онларини билишингиз мумкин. Ёки «зангори экран»да адолат ва диёнат ҳақида, софлик ва ҳалоллик ҳақида ёниб сўзлаётган дамларини кузатгандирсиз. Мен эса бу шўрлик ва жабрдийда аёлнинг ноҳақлик ва фисқу-фасод зор-зор йиғлатган қаро кунларини ҳам кўрганман.

Нуфузли идорадаги нуфузли кишилардан бири Ҳалима опани Марказқўмнинг собиқ раҳбарларидан бирига яқинроқ эди, деб башорат қилганидан сўнг шоирамиз бошида айланган қора кунларни — таъқиб ва адолатсизликларни эсласам ҳозир ҳам даҳшатдан қалт-қалт титрайман. Опанинг яқин ўтмишидаги бу «ўтган кунлар»идан ёдгорлик сифатида туғилган Мирзо Улуғ ўз онаизорининг шундоғам садпора дилини ҳасад, иғво билан шикаста этган номард кишиларга нисбатан исён сифатида бироз асабий, лекин салоҳият билан, умид билан камол топяпти. Кечаги бу ҳақсиз кунлар бугун — ўз жуфти-ҳалолининг қувонч-ташвишларига, дард-у, изтиробларига бирдек шерик бўлиб келаётган метин иродали Мавлон аканинг соч оқларига айланган... Янги, ҳалол, ўзи ноҳақлик кўриб улғайган янги давр, янги кун келиб бу яралар, бу халқоб давралар малҳам топа бошлади. Уларни янгилаш, поклаш Ҳалима Худойбердиева каби ҳалоллик ва адолатни, инсоф ва диёнатни тирилтириш куйига тушган шикаста ва лекин умидли, тоза кўнгилларнинг вазифаси бўлмоғи даркор!

Биз Ҳалима Худойбердиева ва унинг суюкли шогирди Зулфия Мўминова билан опа Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Тошкент вилоятидаги Ғалаба ноҳиясига тез-тез бориб турамиз. Ана шундай кезларда у кишининг жўшқин нутқини, дилбар шеъриятини нафақат ўзбеклар, балки қозоқ, корейс, қрим татар ва рус миллатига мансуб қардош халқларимиз ҳам бирдек меҳр, бирдек муҳаббат билан қабул қилишларини кўриб Ҳалима Худойбердиева тимсолида қайта қуриш даврига келиб ҳақиқатга айланаётган сўзнинг қудратини, янги ва тоза давр нафасини кўргандек бўламан...

Ҳалима опа Совет хотин-қизлар қўмитасининг аъзоси ҳамдир. Мен «Саодат» журналида ишлаганимда ҳар куни опани излаб келган ўнлаб қиз-жувонларнинг маҳзун чеҳраларини кузатганман. Уларнинг ҳаммаси ўз дарди, ўз кулфати билан келарди. Кейин улар аллақандай ғалати ҳолатда, бироз умидли, бироз таскинли кайфиятда жўнаб кетишарди. Орадан бирор ойлар ўтиб эса мен улардан келган миннатдорчилик мактубларини рўйхатдан ўтказиб, опанинг столига қўйиб чиқардим.

Мен Ҳалима Худойбердиевани фақат ишда эмас, дам олишда ҳам, олий анжуманларда ҳам, саёҳатда ҳам, ўз уйида — болалари даврасида ҳам кўп кузатганман. У кишининг Улуғбек, Умид, Моҳигул, Камола ва Мирзо Улуғ каби бири-биридан ширин фарзандлари бор. Турмуш ўртоғи билан бир бора суҳбатлашган киши ажралиб кетолмайди. Гоҳо оиладаги бу тўкислик, бу бутунлик қаердан пайдо бўлган деб ўйлаб қоламан. Ҳалима опанинг шеърларини ўқиб, нутқларини тинглаб, фарзандларига боқиб, турмуш ўртоғига термулиб бу саволга жавоб топгандек бўламан. Ва шундай кезларда Ҳалима Худойбердиевадек улуғ ва суюкли аёлга, она ва шоирага яқинлигимдан қалбимда ажиб бир фахр туяман. Шу фахр бизни ҳеч қачон тарк этмаслигини орзу қиламан.

Исмат ХУШЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзоднинг ишончли вакили.

КАТТА КУНЛАР СОҒИНЧИ

Бизни бир-биримизга тасодиф рўбарў қилди. Қисқа, мазмунли суҳбатлашдик. Жалол акадаги дадиллик, теран фикрлаш сабабдир бунга. Тоғли қишлоқларга, учрашувга ошиқаётган экан. Улар ўша ёққа, биз эса хўжалик ҳудудидаги юмушларни ўрганганимиз кетдик.

...Тўққиз йил бурун хўжалик иқтисод жиҳатдан ўтириб қолди. Янги техника, бирон-бир керакли мол-матони олиш нари турсин деҳқоннинг арзимаган чақасини бериш маҳол. Минг ерга бошини ургандан фойда йўқ. Одамлар идорадан чиқмайди. Пул керак. Ҳар бирининг уйида беш-олти жон кўз тикиб турибди. Дастурхон бўш. Қозонга сув ташланган. Нима қилиш керак?

Раиснинг тонг отса юраги безиллайди. Яна ғавғо, ҳақ сўрашлар, аризабозлик. Қарз олай, деса юзи шувут. Шундоқ ҳам хўжалик давлатдан қарийб бир миллион сўм товондор. Чўнтакда бир мири йўқ хўжаликка кимнинг кўзи учиб турибди, кўмак бераман, деб. Корхоналар ўзини олиб қочади. Вазият эса танг.

Сўнгги, ягона йўл танланди. «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» жамоа хўжалиги давлат хўжалигига айлантирилди. Мақсад ҳам халқнинг, ҳам хўжаликнинг иқтисодини тиклаш. Ночорликдан қутқазиш. Мулоҳаза, мунозарадан сўнг директорликка Жалол Рўзиев тайинланди.

Бир жойда униб-ўсай деганлар аввало маҳаллий муаммоларга қизиқади. Унинг ечимини излайди. Маслаҳатли иш тарқамас. Жамоа фикри барибир қутлуғ. Унга тенг, рақобат қиладиган куч йўқ. Хўжаликни оёққа турғизадиган асосий таянч — ёшлар кам.

Энг мудҳиши замон оғир эди. Халққа бошқа гапирилиб тескариси қилинарди. Кишилар аросатда қолган. Гаранг. Қайси йўл тўғри? Билишмайди. Эрки бировда. Эк деса ниҳол кўмади, эртаси юқорининг гапига кўра бузади. Алғов-далғовли йилларнинг сўнганига шукур. Бир амаллаб кузатдик.

Бугуннинг қарғишига қолган ўша йилларда давлат хўжалигида деҳқончилик боп 320 гектар ер бор эди. Номи мевачилик бўлгани билан 255 гектар ерга чигит кўмиш плани юклатилди. Хўжаликни назорат қиладиган ташкилотлар эса боғ ва токзорлар майдонини кенгайтиришни айтишган. Рад этиб кўрчи?! Мажбурсан—икки кемада сузишга.

Орадан йиллар ўтди. Ҳамон ўша тазйиқ. Буйруқбозлик. Дилингдагини қилолмайсан. Амри вожиб. Хўжалик гарданига пахта плани муҳрлаб қўйилган. Номи боғдорчилик. Бу ҳол директорнинг нафсониятига тегди. 1983 йил баҳорида сўраб-суриштирмасдан ҳамма майдонларга буғдой, арпа, макка эктириб ташлади. Бу катта, салб юриш эди. Юқорининг ҳовуридан кафт куядиган замонда бундай ишни қилиш: ҳаёт-мамот. Қаҳрамонлик. Мардлик.

Вақт ўтиб ўша жасорат энди ҳосил бераяпти. Ўтган йилнинг ола-тасир бўронидан кейин ҳам хирмон яхши бўлди. Узум, сабзавотчиликдан уч миллион юз минг сўм даромад қилинди. Унинг бир миллион юз минг сўми соф даромаддир.

Ўтган йили яна бир савобли ишга қўл урилди. Хўжалик ўз кучи билан консерва тайёрлайдиган завод қурди. Унинг тикланганини биров билди, бошқаси йўқ. Саккиз ойдаёқ «Консервачи» ширкати тикланиб, маҳсулот бера бошлади. Давлатнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилинган эмас. Харажатларни хўжалик кўтарди.

— Бундан уч томонлама фойда кўрдик, — дейди корхона директори Асад Мажидов. — Воҳанинг энг долзарб муаммоларидан бири ишсизлик. Баъзи оилада ундайлар уч-тўртта. Ушандай пайтда 168 кишини ижтимоий меҳнатга жалб этсак ёмонми? Янаги йилда ишчиларимиз сафи 200 нафарга етади. Аҳолининг бозорга тушиб, мева-чева сотишга кетадиган вақти тежалди. Сойбўйи, Полмон, Бўзариқ, Шовкан қишлоқларидаги хонадонлардан бозор нархида помидор, бодринг, карам харид қилдик. Шу баҳонада исрофгарчиликларнинг олди олинди. Сотгану, харид этган баб-баробар хурсанд.

Инондикки, хўжаликда қилинаётган жами юмушларнинг келажаги порлоқ. Ҳар ҳолда иқболли ишлар. Уларнинг бошида ўз йўл-йўриқлари билан Жалол Рўзиев турибди. Ҳалол гап бу. Жамиятда уддабурон, элпарвар, виждонли етакчининг роли катта. Исботини эса юқорида келтирдик. Бежизга у 237-Мироқи сайлов мавзесидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодликка рўйхатга олингани йўқ. Уни халқи кўтарган.



Баъзида мияга урилади, хўжаликнинг иқтисодини тиклагани эвазига у депутат бўлиши керакмикин? Жалол аканинг кўнглидаги дарди-каломини эшитгач, жавобини топдим. Ҳа, керак. Жудаям.

Сиз ҳам уни тингланг.

— Жумҳуриятимиз меҳнат аҳли ҳақиқатда қашшоқ яшайди. Ўртача турмуш учун энг зарур нарсалар йўқ. Камбағалмиз. Бу билан қандай қилиб тирикчилик қилиш, 8-10 фарзандни боқиш, кийинтириш мумкин? Ўзимиздан қиёс. Айниқса тоғлиқ хўжаликларда аҳвол янада оғир. Бунинг сабаби иқтисодий тенгсизлик деб биламан. Мева-чева, пилланинг харид нархлари паст, минг машаққат билан етиштирилган узум, қовун-тарвуз, сабзавот маҳсулотлари консерва, вино заводларига ва Россия шаҳарларига сув текинга бериб келиняпти. Пилламиз Иттифоқда энг паст нархда сотилади. Қизиқ-да, узум, мева, озиқ-овқат маҳсулотларига зор бўлсагу, охиригача бировга сув текинга сотиб қиммат баҳода харид қилсак. Бунга тоқат қилиб бўлмайди. Нарх-наво ҳамма жойда бир хил бўлиши керак.

Бир мисол: Карл Маркс номли, «Москва» давлат хўжаликлари боғдорчиликка ихтисослашган. Лекин имконият йўқлиги туфайли бир килограмм мевани 17 дан 32 тийингача, узумни 17 дан 25 тийингача сотмоқдалар. Натижада даромад жуда оз бўляпти. Бу хўжаликларда етиштирилаётган олмалар бозорда 4-5 сўмга кетади. Шундоқ экан, улар ҳеч бўлмаганда меваларини 2-3 сўмга сотишсин. Агар шундай қилинса, халқнинг дастурхони бойийди, хўжаликнинг иқтисоди кескин ўзгаради. Ишчилар маоши 2-3 бароварга кўпаяди.

Баъзида ўйлаб қоламан, наҳотки бизнинг тоғ ҳудудидаги қишлоқларда яшовчи аёлларимизнинг табиий газ ёққилари келмайди? Келади, буни қиладиган мард йўқ. Виждонли, элпарвар давлат ҳамма ёққа бирдай қарасин-да. Сайловолди учрашувларида, йиғинларда хотин-қизлар куйиб-ёниб гапиришади. Тўқув фабрикалари, чопон қавийдиган цехлар йўқлигини.

Кўпинча овозларим пастки қаватларда қолиб кетаётганидан афсусланаман. Катта йиғинлар, халқ тақдирини ҳал этадиган онлар муносабат билдиролмаганимдан азият чеккан дамларим кўп бўлган. На илож. Эшикни бузиб киролмайсан. Тартиб бор.

Кези келганда юрагимни бўшатиб ола қолай. Олтинларимиз ҳақида гап кўп. Амалиётни кўрмаётибмиз. Майли, жуда ташна экан, тиллонинг жаҳон бозоридаги баҳосини бериб олаверсинлар. Ёки уранни. Қарши эмасмиз. Ҳамма иш Конституциямиздан бузилган: «Ер ости бойликлари давлатникидир». Бунга қаршиман. Ернинг тубию, юзидами қатъи назар бойликнинг эгаси бўлиши шарт. Ўзбекистон, Туркманистон ёки РСФСР. Кўзбўямачилик-да бу.

Бизда нима кўп, қарорлар кўп. Ҳатто бир-бирининг ижросини кўриб чиқиш учун ҳам қабул этилганлари бир талай. Қарор нима бу? Қишлоқ хўжалик маҳсулотими? Йўқ, қарор давлат бошқарувининг таянчи. Нега энди у отилган ўқдек кетавериши керак? Унда давлатнинг давлатлиги қоладими?

Айтмоқчиманки, қарорнинг назорати йўқ. Айтилди вассалом. Олти-етти кундан кейин эсдан чиқади. Давлатни бундай идора этмайдилар. Ўйлаб кўрилиб, бир битимга келиндими, бас, ижроси қаттиқ назорат қилинсин. Халққа, элга сингмади ёки муддатини ўтаб бўлдими, расмий равишда бекор қилишдан чўчимаслик керак. Фармонлар ҳақида ҳам шу фикр. Улар жуда кўп. Ҳаёт эса ўша-ўша.

Яна бир гап. Бир вақтлар анъанага айланиб қолган эди. Ноқоратупроққа одам жўнатиш. Нега энди кенг заминимиз, ҳайҳотдек чўлларимиз бўлатуриб жигарбандларимизни кўкрагимиздан нари туртамиз. Имкониятни излаганимизда ўзимизда ҳам топиларди жой. Ҳамма ерни ҳам маҳаллий аҳоли гуллатади. Келиб-кетувчилар бамисоли бойчечак. Бугун бор, эртага йўқ.

Атроф-муҳитга зиён етказмайдиган завод-фабрикаларни қурайлик-чи, йигит-қиз тупроғини ташлаб Сибирга кетадими? Қайта айтаман, бу ё ҳафсаласизлик, ё атайлаб қилинган иш. Қадимда подшолик бир йигити бошқа элга кетиб қолса, мулозимларини йиғиб, маслаҳат солар экан. Ўрнини қандай тўлғазиш ҳақида. Биз эса ёшларни палаҳмон тошидек отамиз.

Суҳбатдошим фикрига эътироз билдира олмадим. Унга эл мададкор бўлсин! Сўзларидан катта кунларнинг саси келарди.

Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Қашқадарё вилояти.
Муҳаммад АМИН суратга олган.

Имконият бор экан...

Жумҳуриятимизнинг ҳамма-ҳамма жойларида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар билан учрашувлар ниҳоясига етмоқда. Сайловчилар ўз номзодларига дилларидаги ташвишларини, истакларини, орзу-умидларини, талабларини баён этмоқдалар. Уларга ўз ишончларини билдирмоқдалар.

29-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод—Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг ректори, профессор Абдулаҳад Жалилов ҳам ана шундай ишончга сазовор бўлганлардан. У халқ фаровонлигини ошириш йўлида, қайта қуришнинг барча соҳаларида фаол қатнашишни ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Етук олим, кимё фанлари доктори А. Жалилов юқори молекулали бирикмалар кимёси соҳасида йирик илмий мактабга раҳбарлик қилиш билан бирга таълим-тарбия ҳамда ташкилотчилик ишларида ҳам фаол қатнашади. Унинг раҳбарлигида 35 фан номзоди, 2 фан доктори тайёрланди.

А. Жалилов зиммасидаги ҳар бир ишга масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда муносабатда бўлади. У асосан ёшлар билан ишлагани учун ҳам бунга ўзини масъул деб билади. Унинг сайловолди ҳаракат дастурида:

Келажакда халқимизнинг муносиб авлодларини тарбиялаб етиштириш, фан ва техника тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, мактаблар ва олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, улар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва бу ишларнинг бажарилишини назорат қилиш. Халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлашга давлат томонидан ажратиладиган маблағларни кўпайтириш ва буни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиш;

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар, жумладан, корхоналар ва техника воситаларидан ажралиб чиқадиган газлардан ҳавонинг ифлосланиши олдини олиш, бу борада мутахассис сифатида илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиб, уларнинг натижаларини саноатга жорий этиш;



СУРАТДА: Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Абдулаҳад ЖАЛИЛОВ.

Суратқаш Е. БОТИРОВ.

Ўзбекистон жумҳуриятида иқтисодий мустақилликни таъминлаш борасида фаоллик билан иштирок этиш, Олий Кенгаш мажлисларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналар ва болалар меҳнатини тўғри ташкил этиш ва бу борада қабул қилинадиган қонунларнинг жойларда бажарилишини депутатлик назоратига олиш. Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили ҳақидаги қонунини амалга оширишда фаол бўлиш ва бунда шахсий намуна кўрсатиш кўзда тутилгандир.

Сайловчилар билан бўлган ҳар бир учрашувда А. Жалиловнинг номзоди қўллаб-қувватланди.

— Мен, — дейди Абдулаҳад Жалилов, — депутат бўлиб сайлансам ҳам, сайланмасам ҳам бари-бир имконият бор экан, халқим бахт-саодати йўлида эл-юрт фаровонлиги учун астойдил ҳаракат қилавераман.

Биз эса унга омад тилаймиз.

Т. НАЗАРОВ.

«Билим уммони ичра ғаввос бўл!»

Танишинг: Тошкент шаҳар 15-«Ўзбексельмаш» сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Рамизулла Мўминовнинг таржимаи ҳолидан бир неча сатр: у 1963 йил В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг физика факультетини тугатганидан сўнг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика институтида ўрганувчи тадқиқотчи сифатида иш бошлади. 1969 йилдан ЎзФАнинг физика-техника институтида илмий ходим, лаборатория мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади. 1984-88 йилларда шу инструкторлик бюроси директори бўлди. 1989 йилдан бери лаборатория мудири бўлиб ишламоқда. Рамизулла Мўминов 1969 йилда номзодлик, 1979 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. 1984 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланган. Бир неча илмий тадқиқотлар ва қўлланмалар муаллифи. Унинг ярим ўтказгичлар соҳасида яратган асбоб-ускуналари халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Рамизулла илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бирга Тошкент дорилфунуни ва политехника институти талабаларига сабоқ беради, физика-математика соҳасида ўнлаб шогирдлар тайёрлаган. Ўзбекистон ССР илмий-инженерлар уюшмасининг раис ўринбосари ҳамда Ўзбекистон ССР ёшлар илмий-техник фаолиятини ривожлантириш уюшмасининг аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда...

Рамизулла Мўминовнинг сайловолди ҳаракат дастурида жумҳуриятимиз маорифи ва маданиятини ривожлантириш, атроф-муҳит муаммолари, социалистик қонунчилик ва инсон ҳуқуқларини барқарор этиш, Тошкент шаҳри фуқароларининг турмуши, уй-жой таъминотини яхшилаш каби бир неча режалар ўрин олган. Суҳбатимиз ҳам шу масалалар хусусида борди.

— Халқни қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди. Энди халқ қалбига ҳамдард, унинг орзу-армонларини юракдан ҳис қиладиган депутатлар керак. Сиз депутатлик ваколатини қандай тушунасиз?

— Сайловчилар билан қанчадан-қанча учрашувлар, бўлаяпти, тоғ-тоғ ваъдалар бераяпмиз! Қизиғи шундаки, ваъда бермаганингга қўйишмаяпти. Саволларнинг кўпчилиги: «бизга боғча қуриб беринг, эшигимизнинг олдини асфальтлаб беринг, газ туширинг, клуб қуринг, поликлиника керак» ва ҳоказо... Шахсан мен сайловолди тадбирларининг ваъдабозлик мусобақасига айланиб кетмаслиги тарафдориман. Жумҳурият миқёсидаги депутат қонун ишлаб чиқишда иштирок этувчи, унинг муҳокамасида халқ манфаатларидан келиб чиқиб, фаол қатнашадиган ижтимоий шахс.

— Ҳаракат дастурингизнинг асосини таълим-тарбия ишларига мустақиллик бериш масаласи ташкил этар экан...

— Жамиятнинг келажагини ёшлар белгилайди. Қачонки, жамият ўз ёш аъзоларининг таълим-тарбияси билан жиддий шуғуллансагина, ўша жамият узоқ яшашга қодир.

«Болалар — келажагимиз», дея кўкракка уриб келаяпмиз. Лекин, мактабларнинг кўпчилиги ночор ҳолатга тушиб қолган, болалар боғчалари етишмаяпти. Тарбиячилар, ўқитувчиларнинг савияси ҳамин қадар. Ҳарбий хизматдаги болаларимизнинг қурилиш қисмларида ишлаётгани, олий мактаблардаги таниш-билишчилик таълим-тарбиядаги нуқсонларимизнинг сизиб оқаётган зардобларидир... Ўқув жараёнида миллий тафаккурни ўстириш зарур. Қобилиятли, истеъдодли болаларнинг таълим-тарбиясига алоҳида ғамхўрлик қилиш, олимларимизнинг миллий-руҳий қиёфа ва тафаккур билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга зудлик билан киришишлари керак.

Ёшларнинг дам олиши ва бўш вақтини оқилона уюштириш муаммоси ҳам ўткир бўлиб турибди. Тошкентдек шаҳри азимда дурустроқ «Ёшлар уйи» йўқ. Қишлоқ ёшлари маданият саройи, клуб, спорт комплекси ҳақида тасаввур ҳам қилолмайдилар. Ёшларнинг кўнгилли дам олишларига мутлақо шароит яратилмаган. Болтиқбўйи жумҳуриятларида киши бошига маданий эҳтиёжлар учун 25-27 сўм сарфланганда ҳолда Ўзбекистонда жон бошига 5 сўм ажратилар экан. Бу масала ҳам олий анжуманларда муҳокама қилишга арзийди...

— Тошкент шаҳри экологияси, миллий ёшлардан ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари ҳақида нима дейсиз?

— Тошкент шаҳри Иттифоқимизда экологияси танг аҳволга келиб қолган шаҳарлар рўйхатининг бошида туради. Шаҳарда 70 та корхона, транспорт, аэропорт ҳавомизни ўз заҳарлари билан булғамоқда. Тошкентни заҳарли корхоналардан тозалаш, аэропортни камида 50 чақирим нарига кўчириш муаммосини ҳал этиш керак...

Миллий ёшлардан ишчилар тайёрлашнинг бирдан бир йўли — аҳоли миллий эҳтиёжлари билан боғлиқ енгил саноат корхоналари қуришдир. Бизда ишчи кучи бор, хом ашё бор, лекин уни ишлаб чиқарадиган қувват йўқ. Масалан, жумҳуриятимизда пахта, пилла сабзавот, мева, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган енгил саноат корхоналари қуриш мумкин...

— Сайловчиларга тилакларингиз!

— Ниятим шулки, ўзбек фарзандларидан ҳам дунёга машҳур бобокалонлари каби етук физиклар, кимёгарлар, математиклар, дипломатлар, тижоратчилар етишиб чиқса. Касбимга кўра, физик-инженерман. Мен ишлайдиган лаборатория ярим ўтказгич асбоблари ёрдамида Ер экологиясини ўрганиш, Қуёш энергиясидан электр энергияси ажратиб олиш устида тадқиқот олиб боради. Бу тадқиқотларни давом эттирувчи ёшлар керак... Сайловчиларимга сиҳат-саломатлик тилайман! Ёшларимизга эса билим уммонида ғаввосдек сузишларини истайман!..

Суҳбатдош Ғулом ҒАФУРОВ.

БУТУНЛИК ТУЙҒУСИ



УЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ НИШОНДОРИ, ЁЗУВЧИ ЭРКИН САМАНДАР БИЛАН МУЛОҚОТ.

1

— «Менинг ҳузуримга ишларингизни қўйиб, ниятларингиз билан келинг», деган донишманд Ибн Тоймийя. Айтмоқчимиз: Сиз шоир кишисиз, узоқ ўтмишимиз билан бугунни боғлаб турган қадриятлар, умуминсоний фазилатлар, одоб-ахлоқ тушунчалари эскириб, инқирозга юз тутиши мумкин деб тасаввур қилайлик. Шундай бўлди ҳам. Ҳозирги ўтиш даври, қайтиш даври, маънавий покланиш даври чиғириғидан қай бири эсон-омон ўтиб, яшаб қоларкин! Умуман қолармикан, деган шубҳага ҳам борасан киши.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, айрим анъаналарга нисбатан менда ҳам шундай шубҳа бор эди. Чунки кўп урф-одатларимиз тазйиққа учради, уларнинг «реакцион моҳияти» ҳақида «илмий» ишлар яратилди, партия, совет ташкилотлари буйруқ чиқариб, фалон маросим ўтказилмасин, деб «амр» этиб кўрдилар.

Ёқа ушлайдиган гаплар кўп бўлди-ку. Саксон олтинчи йил бўлса керак, шаҳар, ноҳия, қишлоқ Советлари бирданига «жонланиб» қолишди, югур-югур бошланди. Халқ учун бирон хайрли иш бўлса керак деб ўйларсиз, йўқ, аксинча, халқнинг иззат-нафсини ерга урадиган иш билан шуғулланишга мукка кетишди — қабристонларнинг номларини ўзгартира бошлашди. Саид ота қабристонини «Гулистон» деб, Охунбобо қабристонини «Юқорибоғ» деб ўзбошимчалик билан ўзгартириб, ёзиб ҳам қўйдилар. Очиқ айтишди, «ҳар хил боболар»нинг номлари тилга олинмайдиган бўлсин, эскиликдан юз ўгирилсин.

Аввало қабристонни гулистонга менгзашнинг ўзи кулгили, қолаверса, қарор чиқарган билан халқ дилидаги номлар ўчиб кетавермайди.

Худди шунингдек, маросимларнинг бошида ҳам тегирмон тоши айлантирилди. Янгиариқ ноҳиясидаги Мўлтанг қишлоғида бўлган бир йиғинни ҳеч унутолмайман. Унда юқорининг кўрсатмаси фаолларга етказилган эди: никоҳ тўйига таклиф этиладиганлар сони юз кишидан ошмасин, коммунистнинг ота-онаси ўлса, жаноза ўқитилмасин, жаноза ўқиладиган жойга коммунист раҳбарларнинг бориши ман этилсин...

Ақлга сиғадиган гапми! Хўш, юз биринчи одамни тўйга айтмаслик керакми, ахир, ўзбекнинг қариндош-уруғининг ўзи юздан ошади-ку. Тўй эгасига буйруқ беришга кимнинг ҳаққи бор ўзи?

Ўрни келди, бошимдан кечган бир воқеани эсламасликнинг иложи йўқ. Ўғилни уйлантирдик. Тўйга келин-куёвнинг тенгқурлари, оиламизнинг яқин кишилари ташриф буюришди. Узоқ-яқиндан ижодкор дўстларим, санъаткорлар қутлаб келишди.

Сўнг... сўнг менинг «ишим» вилоят партия қўмитаси бюросида муҳокама этилди. «Нега дабдабали тўй бердинг», «Нега Ортиқ Отажоновни тўйга айтдинг», «Бухоролик Тошпўлат Ҳамид тўйда нима қилиб юрибди, тўйнинг довруғи шу ёқларга ҳам кетганми?» ва ҳоказо, каби. Энг алам қиладиган жойи шуки, тўйга келганлардан тушунтириш хати ёздириб олишди, нима единг, нима ичдинг, кимлар бор эди...

Эй, ўзимдан ҳам кўра кўпроқ ўша тушунтириш хати ёзиб берганлар учун эзилдим. Шаҳримизда ҳурматли бир аллома оламдан ўтди. Мусибатли оила не ҳолдаю шаҳар раҳбарларидан бири ўз «юмуши» билан банд, «сал бўлмаса, жаноза ўқитишмоқчи эди, тўхтатишга аранг улгуриб қолдим», дейди. «Улгуриб қолганидан» боши осмонда.

Лекин маъмурий-буйруқбозлик йўли халқни раҳбарларга қарши қўйишдан, ижтимоий норозилик уйғотишдан бошқа нарсага ярамаслигини вақтнинг ўзи кўрсатди. Асрлар синовидан ўтган анъаналар эса буйруқбозликка бош бермайди, йиқилиб-туриб бўлса-да яшайверади. Яқинда, Хивага бораётиб, ҳаяжонли бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Марҳумни сўнгги йўлга элтишарди. Рўбарўдан келаётган машиналар тўхтади. Бизнинг машина олдида иккита юк машинаси борарди. Улар ҳам тўхтади. Иккала ҳайдовчи кабинадан шоша-пиша тушиб, тобут кўтарганлар орасига киришди, уларга елкадош бўлишди. Ўн беш-йигирма қадамча тобутни кўтаришиб, сўнг орқага қайтишди.

Қаранг, оддий ҳайдовчилар фазилатини кўринг, улар марҳумнинг ким бўлганлигини билишмайди, азадор одамларни танишмайди, лекин бир пас бўлса-да уларнинг ғамига шерик бўлишни, тобутга жилла елка тутиш, қўл тегизиб қолишни ўзларининг инсоний бурчи деб билишди. Бу қадим-қадимдан келаётган эзгу одат. Одамлар бировнинг оғирини енгил қилиб, ўзгаларнинг, ҳатто бегоналарнинг ташвишига шерикликдан ўз дилларига маънавий, руҳий қувват оладилар.

— Билимимиз саёзлик қилиб, гангиб қолганда, алғов-далғов кучлилар қаршисида буюк ватандошларимиздан мадад излаймиз. Мусулмон дунёсида улкан сўфий, шеърият бобида тенгсиз сўз соҳиби деб тан олинган Жалолиддин Румий бобомиз айтмишлар:

Кимки ғофил, бўлмагай ғафлат анга,
Ғафлати илму хирад подош этар.
Кимки жоҳил, бўлмагай ҳикмат анга,
Илми ҳам бир жаҳолат фош этар.

— Ўтмишга тош отиб нима орттирдик. Ўтмишимиз қоронғу, у нуқул бидъатдан, жаҳолатдан иборат деган гаплар ўзгаларнинг тегирмонига сув қуйишдан бўлак нарса эмас эди. Ўз-ўзини камситиш, ўзининг нурли томонлари устига қора парда тортиб, ўзгаларни кўкларга чиқариб мақташ, ҳамма нарсани улардан ўрганишга чақириш — миллий нигилизм қадриятларимизга шикаст етказди. Нигилизм ҳали барҳам топмаган.

Мисол келтирай. Хива ноҳиясидаги ўрта мактабдан Жданов номи олиб ташланди, (биргина Хоразмнинг ўзида 3 колхоз, бир неча мактаблар унинг номида эди) жамоатчилик мактабга Паҳлавон Маҳмуд номини беришни таклиф этди. Кўпларнинг қалбида яшириниб ётган эски ҳадик тилларига чиқди. Паҳлавон Маҳмуд пир ўтган, унинг номини мактабга бериб бўлмайди, дейишди. Нега «пир» деган сўздан қўрқасиз, сўрадик улардан. Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини ўқинг, шоирларнинг, полвонларнинг, қалби эзгуликка ёр одамларнинг пири бўлса, бунинг нимаси қўрқинчли! Унинг ҳинд элида кураш тушиб ғолиб бўлганини, эвазига асирларни озод қилдириб, юртга қайтариб олиб келганини биласизми? Босқинчилар кўзи олдида уларга қарши жангларда ҳалок бўлганларга ўз маблағи ҳисобига ёдгорлик қурдирганидан бохабармисиз? Хайрият, адолат устун келди, мактаб улуғ сиймо номига қўйилди.

Сиз, юқорида Жалолиддин Румийни эсладингиз. Унинг фалсафаси одамни улуғлашдан иборат-ку. Инсони комил, унинг буюк заковати, ақл-идроки, маънавий етуклиги ҳақидаги ғоя бугунги кунимизга ҳам бевосита дахлдордир. Эсланг, «ҳар бир инсон инсони комил бўлиши мумкин, бинобарин, ҳар бир инсон муқаддасдир».

Шу ўринда яна бир буюк мутафаккир номини тилга олиш жоиздир. Мен Нажмиддин Куброни назарда тутяпман. У «ҳивзул Ватан — мин-ал имон» (Ватан ҳимояси-имон иши) деган ғояни илгари суриб шу йўлда ўзи жон фидо қилди, мўғулларга қарши жангда ҳалок бўлди. Шундай даҳо ижоди тасаввуфга мансублиги учун ҳамон ўрганилмайди. Унинг мақбараси кўримсиз ҳолга келган, шоир хотирини ёд этишга келган зиёратчилар ранжиб кетишмоқда.

Ўтган йил Хоразмда, шоир туғилиб ўсган Саёт қишлоғида Нажмиддин Кубро боғини яратиш, уй-музейини бунёд этишга қарор қилинган эди. Бу хайрли ишга кенг йўл берилиши керак. Ўйлаймизки, шу боғда Нажмиддин Кубро мақбараси ҳам қурилиб хоки келтирилади, Саёт қишлоғида улкан маданий марказ қад ростлайди. Бунинг савобига нима етсин. Зеро, олам яхши биладики, (фақат ўзимиз яхши билмаймиз), илм ҳадаият ўчоғи бўлмиш Хоразм ҳали ўқилмаган тарих, унинг нурга йўғрилган саҳифалари ташна дилларга мунтазир ва илҳақ.

— «Савоб» деган сўзни ишлатдингиз. «Атеистик энциклопедик луғат»да бу сўзга «...исломга хос диний-аҳлоқий категория. Дин, худо йўлида мусулмонлар манфаатларига мос барча хатти-ҳаракатлар — диний урф-одатларни бажариш, диний-аҳлоқий талабларга риоя қилиш савобга киритилади, унинг учун нариги дунёда жаннатга кириш ва роҳат фароғатга эришиш ваъда қилинади», деб таъриф бериладию, «Савоб дунёвий мазмунда ишлатилмайди» деган қатъий қарорга келинади. «Луғат» 1988 йилда чоп этилган.

2

— Кўриниб турибдики, қайта қуриш шамоли ҳали «луғатчилар» кўчасини оралмаган. Уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам «Исломнинг реакцион моҳияти»ни очиб бериш билан овора. Бу тахлит «илмий ишлар», сон-саноқсиз «диссертациялар» қандай самара берди? Жиноятчиликнинг мисли кўрилмаган даражада кучайиб кетганлигида, элдан диёнат, шарму ҳаё кўтарилганида уларнинг «ҳиссалари» оз эмас.

Энди бевосита савобга келсак, у луғатда айтилганининг тескариси ўлароқ, чин инсонийлик ифодаси, одам фазилатининг олий кўринишидир. Ғарибларга меҳр-шафқат кўрсатиш — савоб, ноз-неъматни исроф этмаслик — савоб, ўтганларнинг руҳини шод этиш, ота-онани бошга кўтариш, ўзгаларнинг ғамига шерик бўлиш — савоб. Уйга меҳмон келгудек бўлса, биз ёшлар энг аввало қўл ювдиришга ошиқардик, меҳмоннинг қўлига тавозе ила сув қуйиш бизга мадад бағишларди, савоб иш қилганимиздан кўнглимиз тоғдай кўтариларди.

Нон ушоғи ҳақидаги ривоятни олинг. Савоб нималигини билмаганликлари ёки уни ўша луғатдагидек тушунганликлари учун ҳам одамлар нонни кўплаб исроф қиляптилар, унинг қолдиқларини ахлатхонага тўкиш, молга едириш, оёқости қилиш каби ҳолларга кўникиб кетганлар.

Яқинда қўшнимиз битта савоб иш қилди. Арзимаган нарса устида аразлашиб қолган икки дўстни яраштириб қўйди. Маҳалла катхудоси икки ёшнинг бошини қўшишга сабабчи бўлди. Савоб иш қилди. Жамоамиз савобли ишга қўл урди — қаровсиз ёдгорликни тиклашга жон куйдирди. Ким болалар фондига, ким қариялар уйига пул берди — кўп савоб иш қилди.

Ёмонни яхши йўлга киритиш ҳам савоб. Яхшини ёмон йўлдан қайтариш ҳам савоб. Қани энди буни ҳамма тушунса, тезроқ тушунақолса!

— Исломда савобга қарама-қарши «гуноҳ» категорияси қўйилади. Яъни, биз даҳрийлар тасаввуримизга кўра «гуноҳ — ёвуз ният ва ёвуз кучлар таъсири остида инсоннинг илоҳий кўрсатмаларни бузиши». Орол тақдири борасида куйиниб курашаётганингизни биламиз. Юқоридаги тасаввуримиздаги «илоҳий» сўзини «дунёвий» — деб ўзгартирайликда денгиз қотилларига баҳо берайлик.

— Гуноҳга ботишдан қўрқмаган одам ёвуз бўлади, ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Аммо бир нарса бор. Бировлар гуноҳни билиб қилади, бировлар билмай. Менингча, кўпчилик ёшлар гуноҳ нималигини билмайди. Чунки ўргатиш у ёқда турсин, бу сўзни ишлатишдан ҳам чўчиб келдик.

Мен қишлоқда туғилиб, қишлоқда ўсганман. Бобомизнинг уйлари Полвонёбнинг шундоқ бўйида эди. Қўл узатса сувга етгудек. Полвонёб эса дарёдай салобатли эди. Уни Паҳлавон Маҳмуд қаздирган деб ардоқлашарди, номи шундан келиб чиққан. (Буюк шоирни Полвон пир дейишади). Хивадан чиққан кема Полвонёб орқали Амударёга ўтарди. Уйимизнинг ёнида Чорсу бўларди. Кемачилар шу ерда бир кеча тунаб, ҳордиқ чиқариб кетишарди. Гўжа қишлоғи ўзи гавжум ва хушманзара маскан эди-да.

Болалигимдаям, сўнг ҳам Полвонёбга битта чўп ташлаганини кўрмаганман. Сувни булғаш гуноҳ дейишарди. Сувга тупурган одам бир кунмас бир кун албатта кўр бўлиб қолади, деб бизни огоҳлантириб ҳам туришарди. Сувни тўппа-тўғри ёбдан олиб ичардик.

Гуноҳ сўзи билан бирга яхши одат ҳам йўқолиб кетди. Сувни бўлғаш ҳеч нима бўлмай қолди. Бошқа жойларда қандай билмайман-у аммо бизнинг воҳада сувга тупуриш у ёқда турсин, унга ахлат тўкиш одатга айланди. Ҳатто айрим ношуд кишилар, ҳожатхонани сувнинг устига қуришдан ор этмаяпти.

Сувнинг сифати ўзи қай аҳволдаю айрим кимсаларнинг бу разолати ҳам бор экан. Урганч шаҳар ижроқўми сувни ифлослантирмаслик ҳақида қарор ҳам чиқариб кўрди. Фойдаси бўлмади. Кечқурунлари ахлатни сувга ағдаришаверади. Бунақа ишни қарор билан таъқиқлаб бўлмайди. Олдинги ҳолатга қайтиш, одамларнинг қалбига эзгу туйғуларни сингдириш, уларга гуноҳ нималигини тушунтириш (лекция ўқиш, маъруза қилиш йўли билан эмас), ҳар бир киши билан алоҳида-алоҳида иш олиб бориш зарур. Хайрли ишга дин арбобларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Қўшиқда айтилганидек, бир ёмоннинг дастидан мавж урган дарё қурир. Шундай бўлди ҳам, Амударёнинг дарёлиги қолмади. Орол қуриди. Хўш, «бир ёмон» ким? Ҳаммаёқни пахтага бостириб юборганларни, тепада ўтириб, ютоғон нафс билан темир режаларни тузиб, халққа амр этганларни яхлит битта шаклда кўриш тасаввуримизга сиғмас экан, мусибат сабабчилари ноаниқ бўлиб қолаверади. Унинг башарасини аниқ кўра билиш ва уни фош этиш эртаги кунимиз учун керак. Ҳазрат Навоийнинг «Одами эрсанг демагил одами, они ким йўқ халқ ғамидан ғами» деган ўгити ёдимиздан кўтарилмасин. Ахир Оролга бораётган озгина сув ҳам марказий ҳукуматнинг қароридан кейин таққа тўхтаб қолса, яна янги ерлар ўзлаштирилишига жазм этилса, қумнинг ичидан канал қазиб ўтиш давом этса, пахтага сажда канда бўлмаса, «халқнинг ғами» ҳақида нима дейиш мумкин.

— Ҳазрат Навоийдан айтдингиз. Камина ўттиздан ўтгачгина қўлига Навоий куллиётини олди. Буни эскичасига «гуноҳларни ювиш» учун дея қолайлик. Кечирилмас томони, Навоийдан бир мисра ёд билмаган неча-неча авлодлар дунёга келди. Ёшлар ўтмишга, буюк боболаримиз қолдирган меросга лоқайд бўлиб қолишди. Таассуф, «Мақом кечаси»га ёшларни судраб ҳам олиб бориб бўлмайди, чет эл эстрадаси концертидан судраб чиқариб...

— Хафа бўлманг-у, ўзингиз ҳам мана, «эскичасига айтганда» деяпсиз. Эскичасига айтганда гуноҳларни ювиш... Тағин буни қўштирноққа ҳам олиб айтаяпсиз. Нега энди янгичасига, ҳеч қандай тирноқ ва қўштирноқларсиз гуноҳларни ювиш мумкин эмас?

Дилимни оғритган бир нарсани айтай. Огаҳий номидаги вилоят театрида «Аждодлар қиличи» спектакли қўйилди. Унинг бош қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди. Асарда Хоразмшоҳ, Чингизхон, унинг ўғиллари, хоразмлик саркардалар ва алломалар, оддий халқ вакиллари образлари яратилган. Спектакль яхши кутиб олинди. Аммо...

Икки томошабиннинг ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди. Бири Жалолиддин шоир бўлган деди, у катта бахши ўтган деб ўз «билимдонлигини» намойиш этди. Роса ашула эшитамиз-да деди ҳамроҳи. Асарни ёзганим учунмас, балки ёшлари қирқдан ошган кишиларнинг тарихимизни умуман билмаслигидан хуноб бўлдим. Барибир уларни кузатгим келди. Балки саҳнада Жалолиддинни кўриб, гап нимадалигини тушуниб қолишар. Йўқ, Жалолиддин ашула айтавермагач, улар залдан чиқиб кетишди...

Бу ҳам учрайдиган ҳол дегувчилар бор. Кошки шундай бўлса. Лекин лоқайдлик-оммавий «касал», кўршапалаклик эпидемияси кенг тарқалган. Одамлар қалбига сингдирилган ғурурни тикламагунча, ўзликни таниб олмагунча бирон соҳада ҳам тараққиётга эришиб бўлмаслиги ҳақиқат.

— Эркин ака, эсингиздами, Боғотдаги бир учрашувда Рабғузий тўғрисида гапирдингиз. Гарчи, даврада зиёлилар кўпчилик бўлсада, ақалли, бирортаси бу зотнинг кимлигини айтиб беролмади. Маълум бўлишича Рабғузий худди шу ҳудудда туғилган экан. Жой номланишларига кўз югуртирсак, бутун бир Оврупо кўз олдимиздан ўтади, аммо ёнимиздан оққан сувнинг қадри бир пул...

— Носириддин Рабғузий Ўғуз работда туғилганини, шу хоразмийлар юрти фарзанди эканини ўз қўли билан ёзиб қолдирган. Унинг етмиш икки қиссадан иборат «Қиссасул — анбиё» асарини чоп этишдан чўчишнинг ҳожати йўқ. Китоб авлиёлар ҳақида, демак у зарарли, дегувчиларга энди эрк бермаслик керак. Ёмонлик уруғини сочувчи нарсани халқнинг ўзи қабул қилмайди, Рабғузий қаламига мансуб қиссаларнинг оғиздан-оғизга ўтиб келаётганини унутмайлик.

— Сиз ҳақингизда ўз юрти — Хоразмга ҳаддан зиёд кўнгил боғлаган дейишади. Сизни ўртаётган фикр: қачонлардир бутун дунёга ном таратган, етти иқлимни лол қилган хоразмийларнинг бугун бир ҳовуч меҳнаткаш фуқаро, муте одамларга айланиб қолгани эмасми!

3

— Менинг уйим Шовот (Шоҳобод) ёбнинг қанорида жойлашган. Ҳар куни эрталаб бўлсин, ишдан кейин бўлсин, сув ёқасида бориб-келиб юрарканман, хаёлим беихтиёр мозийга, шу ёбни қаздирган, (Анушмуҳаммадхон) қазган аждодларга, Хоразм ўтмишига кетаверади. «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларининг муаллифи, жанговар ва зукко Хива хони Абулғозихон ва унинг ўғли Анушмуҳаммадхон давридаги жанг-жадаллар ҳам, яратувчилик ишлари, қурилишлар кўлами ҳам кишини ҳайратга солади. Қисқа давр ичида Урганч орна, Ғозовот (Ғозиобод), Шовот ёблари қазилиб Урганч қалъаси (ҳозирги Урганч шаҳри), ёблар номида қалъалар бунёд этилган. Донишманд ва уддабурро халққа ҳар қанча таҳсин айтсанг кам.

Гапнинг рости, буюк бобокалонларимиз билан фахрланишдан бўлак коримиз қолмади. Энди кўпроқ иқтисодиёт, илм ва маданият бобида қўлимиз калталиги ҳақида нолиш қиляпмиз. Халқ бошини кимлар ҳам қилди, кўзининг ўтини кимлар олди, қаддини кимлар дол этди — бари бугун аён. Лекин шуни очиқ айтишга кўнгил тубида чордона қуриб олган ҳадик ҳамон йўл бермаяпти. Истиқлолининг ҳам чеки бўлиши, мутеликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-да.

Хорижда бўлиб турамиз, ажнабийлар кўп келишади. Хоразм деганда улар Тупроққалъа, Кат Кўҳна Урганч, Хивани яхлит тушунади. Шу қалъалар ўз навбатида Хоразмнинг пойтахти бўлган, дунёга донг таратган. Ҳозир уларнинг бири Туркманистонда, бирлари Қорақалпоғистонда. Лоақал туризм йўли билан шу узуқ-юлуқ халқани бирлаштириш мумкин-ку. Хоразмни кўраман деб келган сайёҳ унинг бир бўлаги билангина танишишдан қаноатланмайди. Тарихий ёдгорликларнинг хўжайини битта бўлиши, хизматини ҳам у қилиши, пулини ҳам ўшанинг ўзи олиши керак.

Парчаланишларни ҳис қилиш вақти етди. Парчалаш наф бермади. Энди яхлитлик, БУТУНЛИК керак.

Хоразмга (ҳар ким ўз туғилган юртига) кўнгил қўйиш борасида. Кўнгил қўйиш деган ибора менингча бунда камлик қилади. Унга (юртга) кўнгил қўйиш оз, унинг ўзи кўнгилда бўлиши, жисм, жисмдаги кўнгил унинг ўзидан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайман. Тўғри, одамлар ҳар хил бўлади. Юртининг бир бўлагини ўзгаларга бемалол бериб юбораверадиганлар ҳам, уни бировлар талон қилса, қўл қовуштириб тураверадиганлар ҳам, ўзга тугул, ўзи унга пичоқ урадиганлар ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Мен бундай «одамларни» хоразмча қилиб бахти қоралар дегим келади. Ҳеч бўлмаса, гуноҳни тан олиш керак. Уни ювиш учун озгина савоб иш қилинса-ку одамлар буни дарҳол пайқашар ва қадрлашар эди.

— Яна «савоб» ва «гуноҳ» сўзларини ишлатдингиз. Воҳада вужудга келган экологик ҳалокат хусусидаги китобхонлар назарига тушган «Дарёсини йўқотган қирғоқ» романингиздан келиб чиқиб, бу ўринда дарё ўрнига ўша сўзларни қўйиб кўрсак, одамларнинг ўз устларидан ўзлари ҳукм чиқазишлари аниқ ифодасини топадими!

— Дарёнинг йўқотилишини мен кенгроқ тушуниш тарафдориман. Дарёнинг йўқотилиши бу пировард-оқибат. Аввал инсоф, одамгарчилик йўқотилди, диёнат, эътиқод йўқотилди, савоб-гуноҳ аралаш-қуралаш бўлиб, кейингиси биринчини ямлаб-ютиб юборди, шуларнинг оқибати ўлароқ дарё бой берилди. Дарёни йўқотиш эса... буёғи нима эканлигини ўзингиз яхши биласиз...

Мен романга «хомашё» излаб жуда кўп кўчаларга кириб чиқдим. Табиат мувозанатининг бузилишига олиб келган сабабларни ўргандим, шу сабабларни келтириб чиқарган шахслар билан учрашдим. Одам табиат билан мувосо бўлган, бир бўлган ҳолатда аҳвол қандай эди-ю, одам табиатни (ўз онасини) жиловлашга, тиз чўктиришга жазм этганидан сўнг не кўргуликлар рўй берди — мени ларзага солган нарса мана шу.

Жой қуригандай аввал куйбишевлик лойиҳачилар, кейин «Узгипроводхоз» катталари Туямўйин сув омборларини (тўртта омбор) туз кони ва ўрмонлар устига «жойлаштириб» бердилар. Асрлар давомида воҳани ош тузи билан шу кон — Султон Санжар таъминлаб келган. Бебаҳо бойлигимиз сув омбори тагида ётибди. Устига устак у далаларни шўрлатишга олиб келди.

Сув омбори остида чириб ётган тўқайларимиз ҳақида ҳам худди шундай деймиз. Улар ҳам устидаги юкдан халос бўлиши, сув тўппа-тўғри дарёга оқизилиши лозим. Шунда яна тўқайлар тирилади, далаларимизга тағин ҳаётбахш лойқа сув борадиган бўлади.

Тез ҳал этилиши зарур бўлган яна битта муаммо ҳақида тўхталишни истардим. Тошҳовуз каналини айтаяпман. Канал асосан Қорақум ичидан Хоразмни ёқалаб ўтган, заҳарли камардай воҳа белини ўраб олди. Канал ишга тушганидан кейин Хоразм ботқоқликка айланади, Хива ёдгорликлари емирилади, Туркманистоннинг бир қисм ерларини ҳам шўр босади.

Уч юз йилдан ортиқроқ вақтдан бери Тошҳовузга Амударёдан Ғозовот, Шовот ва Қиличбой орна-ёблари орқали сув боради. Энди улардан юз ўгирилиб, махсус Тошҳовуз канали қурилди. Ҳали унга сув очилгани йўқ. Мабодо ишга тушса Тошҳовузнинг улуши Хоразм ичидан ўтадиган ёблардан олиниб, ўша каналга бериладн. Аввало, канал сувни беҳад исроф этади, ёмон оқибатларга олиб келади, қолаверса, Хоразмнинг улкан ёблари ариқчаларга айланиб қоладики, экологик вазият тағинда оғирлашади. Бу беҳосият ишни амалга оширганларни, унга йўл қўйиб берганларни келажак хоразмликлар кечирмайди.

— Ҳозирда активлик ҳақида кўп гапирилмоқда. Актив курашга қўшилиш, актив ҳаётий йўлда туриш... ва бошқалар. Лекин, натижа... Демоқчиман, ёшларнинг ва уларни бирлаштирган ташкилотларнинг ўз обрўларини йўқотиб қўйишларига ҳам шу ҳислатнинг йўқолгани сабаб бўлди.

— Актив фаол дегани. Фаоллар эса ҳар ишда биринчи бўлиб фаоллик кўрсатишлари, ҳар жабҳада бошқалардан жуда бўлмаганда бир қадам олдинда юришлари, жамики эзгу ишларда бошқаларга намуна кўрсатишлари керак. Фаолликнинг тескариси сусткашлик, фаолларга сусткашлик бегона, акс ҳолда уларнинг номи фаоллар эмас, балки сусткашлар бўлур эди.

Йиллар ўтиб, шундай бўлдики, фаоллар ўз мавқеларини сусткашларга бериб қўйдилар. Фаоллар димиққан кабинетларда ўлтириб, қоғозбозлик билан шуғулланганларида сусткашлар халқ ичида юриб, уларнинг арзи-додларини, ички дардларини билдилар.

Шу тариқа аста секин фаоллар сусткашга, сусткашлар эса фаолга айланди. Халқ кечаги сусткашларга эргаша бошлади. Фарғонадаги воқеаларни ҳам ана шу «сусткашлар»... бошқардилар.

Фарғона водийси Ўзбекистоннинг энг гўзал, латофатли гўшаларидан. Унинг баҳайбат тоғлари, зилол булоқлари, сўлим гулшанлари бетакрор. Фарғоналиклар ипакдай мулойим, хуштавозе, хушфеъл, сермулозамат, сертакаллуф кишилар. Бу серфайз водий йигитлари салом-аликни канда қилмайдиган, қўли кўксида, очиқ чеҳра, очиқ кўнгил, серзавқ, кулгига, аскияга ўч, қизлари бўлса ҳаёли, иболи, атлас, зар дўппи кийиб, сочини қирқ ўрим қилиб юрадиган дилбар, дилрабо ёшлардир. Қариялари мўмин, диёнатда эътиқодли, юмшоқ табиатли кишилардир. Ана шундай ажойиб ўлкада қон тўкилганига дил-дилдан ачинамиз, шаҳидлар, қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига, ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

Баъзи кишилар бизнинг юртимиз Хоразм, унинг одамлари ҳақида гап кетганида бу ерда ҳеч қачон ғалаёнлар бўлмайди, деган фикрларни айтадилар. Лекин хоразмликларнинг асли жангари халқ эканлигини унутмаслик керак. Қанча жангу-жадалларни кўрган Хоразм бу... Хоразмликларнинг қонида буюк аждодлар қони, уларнинг руҳида жанговарлик шашти барқ уриб туради. Бутун ташкилий-партиявий, мафкуравий ишларда буни эътиборга олмаслик, бу ювош халқ деб уни менсимаслик, ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслигимиз керак.

4

Жумҳурият партия-хўжалик фаоллари йиғилиш маърузасида муҳим бир гапга урғу берилди: партия, унинг фаоллари энди тўкилган обрўни тиклашлари, йўқотилган ишончни қайта оқлашлари керак!

Обрўга эга бўлиш қийин, аммо уни тўкиш осон. Узоқ йиллар давомида қатра-қатра йиғилган обрўни челаклаб тўккандан сўнг уни қайтадан ҳосил қилиш осонми? Обрў бир тўкилмасин, халқ бир юз ўгирмасин агар шу рўй бергудек бўлса (бу эса маълум регионларда аллақачон рўй берди) қайта обрўга сазовор бўлиш, қайта халқни эргаштириш игна билан қудуқ қазишга айланадики, бунинг маъноси элга аён.

Обрўни аввало ёлғон тўкади. Ёлғон гапирадиган одамдан, айниқса, ёлғон гапирадиган раҳбардан, ёлғонни ёзадиган матбуотдан эл юз ўгиради. Ростга ўхшаб кўринган бугунги ёлғон эртага албатта фош бўлади.

Бизнинг вилоятда низо чиқиши мумкин бўлган, таъбир жоиз бўлса, ўти ичида турган ўчоқлар борми? Бу саволга жавоб бериш учун вилоятни бутун Хоразм воҳаси, яъни Тошҳовуз, Қорақалпоғистон билан биргаликда қўшиб қараш лозим бўлади. Амударё, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа ноҳиялари, Тошҳовуз вилоятида яшайдиган ўзбеклар, шунингдек, туркманлар, қорақалпоқлар билан борди-келдини мунтазам йўлга қўйиш зарур.

Бозорни арзонлаштириш, таъминотни яхшилаш, халқнинг соғлигини тиклаш, ишсизларни ишга жойлаштириш, камбағалларни оёққа турғизиш бош вазифадир. Бу вазифаларни бажармасдан туриб норозиликка барҳам бериб бўлмайди.

Хуллас, миллатлараро муносабатлар илдизига чуқурроқ қараш, дўстлик ҳақидаги қуруқ гап-сўзлардан амалий ишга, муаммоларни амалий ҳал қилишга ўтиш вақти келди. Сўнгги пушаймондан фойда йўқ. Ҳозир ҳаракат қилиш, хунук воқеаларнинг олдини олиш талаб этилади. Афсуски, айрим масъул кишилар ҳали ҳам қайта қуришни гап-сўздан, мажлисбозликдан иборат деб тушунадилар. Бунга турли миш-миш, уйдирмалар ҳам қўшилиб, дув-дув гап кўпайиб қолди.

Сўз керак. Ҳалол, тўғри сўз кишиларни руҳлантиради, эзгуликка даъват этади. Аммо ҳеч нарса амалий ишнинг ўрнини босолмайди. Шунинг учун ҳам бугунги ишни эртага қўйма, деганлар.

Дўстликдан улуғ, дўстликдан қудратлироқ нарса йўқ. Лекин дўстлик беғараз, самимий, ўзаро ҳурмат — эъзозга қурилган бўлиши керак. Ўртага миннат қўшилса, ким-кимни боқиб ўтиргани, ким-кимга боқимандa экани юзга солинса, унда бу дўстлик эмас, балки душманликка айланади.

Қалбнинг торлари нозик. Қалб билан, одамларнинг ҳис-туйғулари билан бўладиган муомала ҳам шунга яраша бўлмоғи керак.

— Тасаввуф намояндалари шеърга «оламни эгаллашга ва ўз-ўзини англашга интилган руҳнинг буюк таронаси» деб баҳо беришади.

— Тўғри, лекин тасаввуф бу иккови билан (оламни эгаллаш ва ўз-ўзини англаш) чекланмайди, балки шу инсон руҳиясининг буюк таронаси орқали энг олий мақсадни — ҳақиқатга етишишни кўзлайди. Жалолиддин Румийнинг «Форсий Қуръон» деб таърифланган «Маснавий»си бунга яққол мисол. Юксак бадиият намунаси бўлмиш бу асар бутун мусулмон оламида машҳур, унда дейилмишки, ўзлигини англаган инсон қалби турли ғуборлардан холи бўлади ва ҳақиқатни ўзига жо этолади, бу йўлда шеър инсонга қанотдир. Тасаввуфнинг бошқа намояндалари ҳам олий маънавий-ахлоқий хислатларни инсонлар кўнглига шеър орқали сингдиришга интилганлар.

Фақат бизнинг давримизга келиб шеърнинг «вазифаси» жўнлашди. Ҳатто ғўза чеканкаси ҳақида ҳам шеърлар битилди. Ўтган ишга саловат. Бироқ, айни кунларда ҳам шу йўсиндаги шеърлар ёзиляпти.

Лекин халқ дарди билан суғорилган чинакам шеърият овози тобора баландроқ янграётгани қувончли ҳолдир. Ёлғон мақтов ўрнини ҳалол, одил тафаккур эгаллаётгани, сохта ялтироқлик сўниб, мисралар мағизмағзига сингиган нур балқиб келаётгани кўнгилни, хушнуд этади. Инсон шеър орқали ҳақиқатга интилар экан, у (шеърият) аввалambор ростгўй бўлмоғи, халқ дардларини ифода этмоғи, халқнинг ҳайқириғига айланмоғи керак. Ҳақиқат чала бўлмаганидек, уни инъикос этувчи шеър ҳам чала бўлолмайди.

Унга бутунлик хос.

Ҳар қандай бино пойдеворга орқа берганидек инсон ўз эътиқодига суяниб, ундан қувват олиб яшасагина оёғи мустаҳкам заминда туради, ишонч, дўстлик, муҳаббат шуълаларидан умр йўли мунаввар бўлади. Шу саодат ҳаммага ёр бўлсин!

Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.


* * *

ИЗОҲ: мулоқот нашрга ҳозирланаётганда Э. Самандаров Хоразм вилоят партия қўмитасининг котиби қилиб сайланганидан хабар топдик. Муштарийлар номидан талантли ижодкорни қизғин қутлаймиз, Хоразмда мафкура ишини юқори даражага олиб чиқишга тилакдош бўлиб, ижодига БУТУНЛИК мушарраф бўлсин, деймиз.

Ёшлар ижоди

«Кейинги пайтларда элимизнинг тилга тушган севикли санъаткорлари қатори ёш хонандалар ҳақида ҳам илиқ гаплар айтилаяпти. «Камолот — 89» ана шундай ўз оҳангига эга ҳофизларни яна бир карра халққа танитди. Биз конкурс қатнашчиларидан бири Охунжон Мадалиев ҳақида бирор мақола беришларингизни сўрардик.

Ҳурмат билан: КАРИМОВЛАР ОИЛАСИ, Сирдарё вилояти, Дўстлик ноҳияси».



Ўзбек халқи жа қизиқ-да, ўзи! Суйган санъаткорнинг оти билан айтиб чақиради: Шерали, Ғулом, Бобомурод, Нурмдин... Бошқа ҳеч бир халқда бундай одат йўқ. Бу назаримда ўзбек халқи ўз қўшиқчиларини ардоқлаб эркалашидан, юрагига яқин олганлигидан бўлса керак. Улар ҳам хафа бўлишмайди. Тушунишади. Энди эса Охун деган чиқибди.

О Х У Н

Гапимиз эса шу Охун ҳақида боради.

Охун деган санъаткор борлигини, у ажойиб қўшиқлар айтишини унда-бунда эшитиб юрардим. Яқинда бир юмуш билан студентлар даврасида бўлишга тўғри келди. Студентлар даврари эса қўшиқсиз ўтмайди. Шунда астойдил эътибор қилиб эшитдим. Магнитофон кассетасанинг икки томони дардли, ширали қўшиқлар билан тўла экан. Ва мана шунда мен ўзим учун яна бир янги қўшиқчи кашф этдим. У Охун эди.

— Ўзим қишлоқлик боламан. Ота-онам бир умр далада ишлашган. Эсимни танибманки, пахтани биламан. Пахта қон-қонимга сингиб кетган бўлса керак деб ўйлаб қўяман, гоҳо.

Яхши ҳам ўзбек халқи қўшиқсевар. Бор дарду-аламини, пахта машаққатларини, армонларини қўшиққа солиб айтади. Шундан руҳи енгиллашади, бечоранинг.

Биласизми, бизнинг қишлоқда ҳали Тошкентни кўрмаган, унга бир боришни орзу қилганлар қанча?! «Камолот-89» конкурсида саҳнага чиқишдан сал олдин залга қарасам, қишлоғимиздан икки киши ҳам ўтирибди. Оддий колхозчилар, қариндошларим ҳам, дўстларим ҳам эмас. Фақат қўшиқни яхши кўрадиган меҳнаткаш одамлар. Залда қишлик кийимларини ечиб, қўлларига олиб, ҳаяжонда ўтиришибди. Худди мажлисдек, миқ этмай саҳнага тикилишган. Улар учун шу катта бахт. Шуни ўйладим-у, кўз олдимдан бутун ҳамқишлоқларим ўтди. Улар учун, шу икки юртдошим учун ҳам айтишим керак дедим.

Биз санъаткорлар ҳақида гапирганда тўйлар ҳақида гапирмасликка ҳаракат қиламиз. Лекин бир нарсани жуда аниқ биламиз санъаткор борки, тўйга боради. Бормаслигининг ҳам иложи йўқ. Агар шу ўз ... бўлса, у ҳеч маҳал санъаткорни тўйга бормасликка қўймайди. Чунки ўзбекнинг тўйи қўшиқсиз, санъаткорсиз ўтмайди. Кимдир лаб эрта-кеч далага қатнаркан ният қилади: «Тўй қилсам — фалончи ҳофизни олиб келаман». Шу маънода санъаткорларнинг тўйларда хизмат қилишининг ҳеч бир айбли жойи йўқ. Бизнинг олис бир қишлоқчамизга юртимиздаги деярли ... ҳофизлар бориб келишган. Бунинг учун қишлоқдошларим орасида уларнинг обрўси тушиб қолгани йўқ. Аксинча, оддий бир қишлоқ ... менинг ҳамқишлоқларим уларни ...

— Сиз-чи Охунжон, тўйга боришингиз ... керак?

— Ҳа, баъзан тўғри келади. Рад қилишнинг иложини тополмаган ҳолларда. Лекин мен ҳозир бошқа бир масалани кўтармоқчийдим. Агар тўйларга санъаткор борса, баъзан «отарчилар» деган гап бўлади. Менимча, бу нотўғри. Биз ҳақиқий санъаткор билан отарчиларни фарқлай билишимиз керак. Агар санъаткорлар тўйда иштирок этишмас экан, тўйларни ҳали 4 та қўшиқни маромида айтишни ҳам эполмайдиган, дарду хаёли, «якан» бўлган «отарчилар» босиб кетади. Менимча, тўйларимизнинг гўзаллиги ҳам санъаткорларимизга боғлиқ. Ҳозирги ошкоралик замонида бу муаммо ҳам рўйирост кўтарилиши керак. Бунинг сира яширадиган жойи йўқ.

— Санъаткор бўлишингизни қачон билгансиз?

— Мен-ку анча кейин... онам менга ҳомиладорлигида Комилжон Отаниёзовга ҳавас қилган эканлар. Шунда агар ўғил кўрсам ҳофиз бўлади, деб ният қилган эканлар.

Аввал музика мактабига беришди. Эргашев Тўлқин ака деган ўқитувчимиз бўларди. Бирам қаттиққўл эди... тўғриси қўрқиб турардим. Бир гал мактабдан ҳайдаб ҳам юборган. Кейин-кейин бу киши ҳақиқий санъат учун жон куйдиришини, фидойи инсон эканлигини билдим. Сўнг Фарғона педагогика институтининг музика факультетида ўқидим. Шу даврда астойдил қўшиқ айта бошладим.

— Кўпчилик ўртасида биринчи қайси ашула билан чиққансиз?

— Менимча, ҳозирги ёшларнинг танглайи Шерали Жўраевнинг қўшиқлари билан кўтарилган. Мен ҳам бундан мустасно эмасман...

— Хўп, институтни ҳам тугатдингиз, кейин нима иш қилдингиз?

— Тўғрисими?

— Тўғриси!..

— Армияга олиб кетиб қолмасин деб, қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилдим.

— Нима, армияда хизмат қилишдан қўрққанмидингиз?

— Йўқ. Аксинча. Фақат қўшиқ айтиш, ўз устимда ишлаш имкони қийинлашишидан қўрққандим, холос.

— Кейин Фарғона филармониясида ишладингиз...

— Ҳа. Қобилжон Юсупов устозлик қилдилар. Лекин шунда бир нарсадан кўнглим ранжиди. Бизда ёшларнинг тезроқ қанот ёзиши ҳеч кимни қизиқтирмас экан. Шароит оғир. Ҳар куни Олтиариқдан Фарғонага қатнайман. Саҳнага битта кўйлак костюмим бор эди. Доимо шуни кийиб чиқаман. Баъзан уялардим. Бир ёқда оила. Кейин кетиб қолдим. Қаёққа дейсизми? Ака, биз қаёққа ҳам кетардик. Тошкентга бизни чақиришмадики! У ернинг ўзини одамлари бор. Олтиариққа қайтдим.

— Нима, бодринг экмоқчи бўлдингизми?

— Йўқ, қўшиқ айтишни давом эттириш учун. Билим юртида музикадан дарс бера бошладим. Ҳар қалай зорланмайман, шароитим яхши. Қизлибек Тожиев деган санъаткор бор. Эшитгандирсиз? Шу киши билан бирга ишлайман.

Охунжоннинг шоир Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтган «Кўнглимдаги ёр» қўшиғи ҳозир жуда машҳур бўлиб кетди. У ҳақда бир хил фикрлар айтилмоқда, ҳар ким бу қўшиқни ўзича талқин қилмоқда. Энг муҳими, у ўз мухлисларини топди.

— Яна қайси қўшиқларингиз ўзингизга ёқади?

— Ноқулай савол бердингиз-да... Қўшиқчига ҳамма айтганлари ёқиши керак. Йўқса, айтишдан не фойда? Айтганларининг қайси бири мухлисларга ёқиши бу энди бошқа масала...

— Мана, «Камолот—89» конкурсида қатнашдингиз, қолаверса, биринчи ўринни олдингиз. Таассуротлар қандай энди?

— Кўпдан бери бизда ҳам яхши қўшиқ конкурслари ўтказилса, деб орзу қилиб юрардим. Лекин конкурсга ўз хоҳишим билан келганим йўқ. Биз оддий бир қишлоқлик ҳаваскорга йўл бўлсин, деб ўйладим. Лекин ҳамқишлоқларим, менинг азиз ҳамқишлоқларим қўйишмади. «Йўқ борининг керак», деб туриб олишди. Худди ҳарбийга кузатгандек. Оқ йўл тилаб қолишди. Ўзингиз биласиз, қишлоқларда оқибат, меҳр деган нарсалар бошқача бўлади.

Конкурсга келсак, умуман яхши ўтди. Бир-биримизни орқаваротдан эшитиб юрган санъаткорлар танишиб, дўстлашиб кетдик. Бир-биримиздан кўп нарса ўргандик. Қанийди, бундай конкурслар мунтазам ўтказиб турилса.

Яна бир гапни айтишим керак бўлади — у ҳам бўлса, шу пайтгача мен ўзимни шунчаки ҳаваскор қўшиқчи деб юрардим. Конкурс менга дадилроқ бўлишни, ўз устимда янада жиддий ишлашни, катта давраларга тортинмай чиқаверишим кераклигини ҳам англатди.

Ҳа, Охунжон Мадалиев катта саҳнага чиқди. Буни ниҳоят унинг ўзи ҳам ҳис қилибди. Бу катта гап. Эндигиси эса у мана шу катта саҳнабоп қўшиқлар айтиши, уни бир неча кун олқишлаган мухлисларига янада ширали, юракка яқин қўшиқлар ҳадя этишидир. Бу ҳам катта гап. Назаримда буни унинг ўзи ҳам сезиб турибди.

А. АҲМЕДОВ.



Сиз суратда кўриб турган ушбу тўти, бор-йўғи 2,5 ойлик. У илк бор икки ҳафталигида гапирган эди. Биринчи бўлиб «Рома» сўзини талаффуз қилгани учун, унга Рома деб исм беришган.

Қизиғи шундаки, Рома бошқа уй қушларидек қафасда яшамайди. Ҳар доим одамлар билан, уларнинг диққат марказида бўлишни ёқтиради. Уйда ёлғиз қолганда вақтини ошхонада ўтказишни хуш кўради. Шунинг учун бўлса керак, унинг 10 сўздан иборат сўз бойлигидан «ошхона» «чойнак» сўзлари ҳам жой олган...

Энг «сергап» тўтиқушлар ҳам узоғи билан 200 сўз бойлигига эга бўлишади. Балки, Рома уларни доғда қолдирар...

ТАСС сурати.

Мулоқот

Саволлар беринг!

«Гиннеснинг рекордлар китоби»— рус тилида

«Ёш ленинчи»да кўпинча «Ранг-баранг олам» ойнасўзи остида бериладиган қизиқ-қизиқ хабарлар орасида бу рекорд, натижа, ютуқ «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олган, деган жумлаларни ўқиймиз. Айтингчи, Англияда нашр этиладиган бу китоб яна қайси мамлакатларда чоп этилади. У бизнинг мамлакатимизда ҳам босилганми!

Х. ОТАБОЕВ.
Сурхондарё.

«Гиннеснинг рекордлар китоби» жаҳоннинг 35 тилида 260 марта чоп этилган бўлиб, у миллионлаб нусхани ташкил қилади. Куни кеча Москвадаги «Советская Россия» нашриёти бу китобни биринчи марта рус тилига таржима қилиб чиқарди. Китобдан мамлакатимиздаги қизиқарли воқеалар, рекордлар, энг катта.., энг кичик.., энг биринчи... каби оламшумул воқеалар ҳам ўрин олган.

1988 йилгача бўлган рекордларни ўз ичига олган инглиз қобусномасининг бу варианти 110 минг нусхада нашр қилинган бўлиб, унинг нархи 20 сўмдир.

Обуна бўлиш мумкинми?

Мен баъзи сабабларга кўра ўзимнинг бир неча йиллардан бери бирор сонини қолдирмай ўқиб келаётган «Ёш ленинчи» газетасига обуна бўла олмай қолдим. Кейинги ойлардан обуна бўлсам бўладими! Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш мумкин!

Марҳабо МАВЛОНОВА.
Марғилон шаҳри.

Марҳабохон! Сиз хоҳлаган газетангизга ҳар ойнинг 12 кунигача «Союзпечать» ёки алоқа бўлимларига кириб обуна бўлишингиз мумкин. Шунда сиз келгуси ойнинг биринчи кунидан бошлаб ўз газетангизни олаверасиз.

Фарқи кўп эмас

Мени Тошкентда 1990 йилда чоп этилаётган асосий газеталарнинг неча нусхада чиқиши қизиқтиради. Уни ўтган йилдагидан фарқи борми! Иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангизлар.

Х. СИДДИҚОВ.
Фарғона вилояти.

Ўтган ойнинг бошларидаги маълумотга қараганда ўзбек тилида чиқадиган газеталардан: «Ленин учқуни» 1 миллион 8 минг 380, «Совет Ўзбекистони» 880 минг 462, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 579 минг 245, «Ёш ленинчи» 513 минг 500, «Ўқитувчилар газетаси» 227 минг 437, «Тошкент оқшоми» 139 минг 35, «Қишлоқ ҳақиқати» 121 минг 587, «Ўзбекистон физкультурачиси» 65 минг 830, «Тошкент ҳақиқати» 55 минг 964 нусхада, рус тилида чиқадиган «Правда Востока» 270 минг 463, «Вечерний Ташкент» 168 минг 920, «Ташкентская правда» 48 минг 609, «Комсомолец Узбекистана» 37 минг 789, «Физкультурник Узбекистана» 20 минг 836, «Сельская правда» 16 минг 99 нусхада чоп этилмоқда.

Сепкилдан қандай қутулиш мумкин?

Ҳурматли редакция! Нима сабабдан баъзи одамларнинг юзида сепкил бўлади! Ундан қандай қутулиш мумкин! Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.
Самарқанд.

Сепкил кепак тусли майда-майда тошма бўлиб, у кўпинча териси оқ-сариқдан келган мактаб ёшидаги болаларда учрайди. Чунки уларнинг териси буғдой рангли кишилар терисига нисбатан қуёш нури таъсирига тез берилувчан бўлади. Сепкил баҳор, ёз ойлари кўпайиб, куз ва қишда камаяди, ҳатто йўқолиб ҳам кетади. Агар боланинг териси йил сайин чиниқиб, қуёш нурининг таъсирига ўргана борса, кейинчалик унга сепкил тошмайдиган бўлиб қолади. Баъзи болалар терисидан эса аксинча, сепкил ҳеч қачон ҳатто куз ва қиш кезларида ҳам йўқолмайди. Сепкил бир оиладаги ҳамма болаларда ҳам бўлиши мумкин.

Албатта, бу гаплардан сепкил катталарда бўлмайди, деган хулоса чиқармаслик керак. Сепкил катталарга, асосан юз, бўйин, қўл териси ва кўкракнинг очиқ жойига тошади.

Кўпчилик ёшлар юзларига тошган сепкилдан ранжишади, қандай бўлмасин уни йўқотишнинг турли усулларини синаб кўришади. Ваҳоланки, кўпчиликнинг ҳуснига юзидаги сепкил янада ҳусн қўшиб туради. Шунга қарамай, сепкилни йўқотишга ҳаракат қилишади. Шуни айтиш керакки, сепкилни даволаш мумкин, бироқ у кўпинча қайта тошаверади. Яхшиси, териси сепкилга мойил кишилар эрта баҳордан то кузгача ўзларини мумкин қадар қуёш нури таъсиридан сақлашлари, соябон тутишлари, қора кўзойнак тақишлари зарур.

ТВ

17 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.
10.00 «Қашқирлар учун қопқон». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 11.20 «Турар-жой — 2000». Самарқанд вилоятида уй-жой қуриш тажрибасидан. 11.50 «Сирли сандиқ». Йўлдош Охунбобоев номидаги жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.55 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!». 13.30 «Ўзбек опера санъати усталари». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Раъно Ҳидоятова. 14.20 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

Тижорат видеоканали

15.20 «Меҳригиё». Наманган вилоят туғуруқхонасининг фаолияти ҳақида. 15.35 «Камалак жилолари».

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Сайловлар олдидан». 18.30 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.15 «Мулоқот». Шоира Ҳалима Худойбердиева билан суҳбат. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа 20.20 «Халқ номзодлари». Телеочерк. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Мувозанат». 22.20 «Драматик актёрлар куйлайди». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Онам, дадам ва мен». 9.30 «Йил фасллари». Февраль. 10.30 «Америка вилояти». Уч серияли телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм — «Жон Кристал». 11.25 «Современница». Тележурнал. 12.40 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 13.50 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 14.50 Леонид Биковнинг фильмлари ва роллари. «Қуёнча». Бадиий фильм («Ленфильм»). 16.10 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали (Тунис). 16.45 «Партия ҳақида суҳбатлар». 17.45 «Кичик фантазия». 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Парнас сари бир босқич». 19.30 Майамида профессионал баскетбол фестивали. Американинг «Барча юлдузлари» матчи. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Телескоп». 22.25 «КВН-90». Днепропетровскда «КВН» командалари I Бутуниттифоқ фестивали. 00.55 «А» программаси.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 9.25 «Ота кўрасининг ҳарорати». Ашхободдан кўрсатилади. 9.50 «Кекса сеҳргар хатоси». Телевизион бадиий фильм, субтитр билан (ГДР). 11.05 «Гармонь янграётган жойга борамиз». 11.15 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. Чернобилдаги экологик вазият ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.45 Волейбол. СССР чемпионати. Эркаклар. «Автомобилист» (Ленинград) — «Радиотехник» (Рига). 13.30 «Юрмала-90». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ конкурсининг регионал босқичи. Тошкентдан кўрсатилади. 14.10 Мультфильмлар. 14.30 Рус тили. 15.00 «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 СССР халқ артисти, балерина Н. М. Дудинская. Фильм-концерт премьераси. 18.35 Мультфильм. 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.45 «Пи» белгиси билан». 1-қисм. 22.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 22.35 «Пи» белгиси билан». 2- ва 3-қисмлар.

Долзарб мавзу

ИСТИҚБОЛСИЗ ҚОЛМАЙИН ДЕСАНГ...

Учинчи синфда ўқирдим. Армияда хизмат қилаётган акам Вали Ғафуровнинг «Вафодор» романини юборишимизни сўраб хат ёзди. Отам икковимиз бир неча кун изладик. Охири Бешариқдан топдик. Аммо посилкани яна уч кундан сўнг жўнатдик. Чунки мен йиғлаб туриб олганимдан сўнг уйдагилар уни ўқиб чиққунимча кутиб туришга мажбур бўлишди. Бу мен ўқиган илк роман эди.

Еттинчи ёки саккизинчида ўқиётганимда врачларнинг кўрсатмаси билан менга мактаб кутубхонасидан китоб бермай қўйишди. Бундан кўпам хафа бўлмадим. Чунки кутубхонадаги бадиий китобларнинг ҳаммасини ўқиб бўлгандим. Энди қишлоқ Совети, колхоз ва қўшни мактабларнинг кутубхоналарига аъзо бўлиб олдим. Аммо кўп ўтмай бошқа тақиққа учрадим. Маҳалламизда бир истеъдодли журналист ва шоир яшарди. У руҳий касалликлар шифохонасига тушгач, одамлар «кўп ўқиганидан шундай бўлиб қолибди», деб гап тарқатишди. Ана энди отам билан бувимнинг қўрққанини кўрсангиз! Менга ялиниб-ёлворишади, пўписа қилишади, бувим йиғлайди... Мен китоб ўқимасликка ваъда бераман. Аммо ваъдамда туролмайман. Ҳеч бўлмаса битта ҳикоя ёки қисса ўқимаган куним нашанинг хумори тутган бангига ўхшаб қоламан. Яшириниб томга чиқиб ўқийман, оғилга кириб охурларнинг ичига ётиб олиб ўқийман...

Ота-онам менинг ўқимишли бўлишимни истасча-да, ўқишга юборишга иккиланишарди. Бир томондан, камбағалчилик (икковлари қирқ саккиз сўм нафақа олишарди, акам оиласи билан ажралиб чиққан бўлиб, ўзидан ортмасди), иккинчи томондан, менинг эркин бўлиб олиб кўп ўқиб юборишим хавфи... Ўқитувчилар, устозлар ўртага тушишгач, барибир рухсат беришди, қўлимга бир амаллаб саксон тўрт сўм топиб тутқазишди. Мен бунинг ўттиз сўмини олдиндан ижара ҳақига тўладим. Қолганига икки ой яшаб ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишга кириб қайтдим...

Мана, «мақтаниб» ҳам бўлдим. Балки «ҳа, энди сизга ўхшаб ўқишга берилганлар ҳамма ерда ҳам битта-иккита чиқади-да» дерсиз. Йўқ, менинг ўн беш-йигирма йил олдинги гапларни эслашдан мақсадим ҳам шуки, ўша вақтларда болаларда ўқишга қизиқиш жуда кучли эди. Масалан, танаффус пайтлари ўқиган китобларимиз бўйича ўзимизча қизғин баҳслар қилардик. Қатордан қолмай дебми энг қолоқ синфдошимиз ҳам ҳар ойда ҳеч бўлмаса уч-тўртта китоб ўқирди. Ҳозир-чи?

— Бизда ҳеч ким китобни гапирмайди, ҳатто газета-журнални ҳам гапирмайди, — дейди олтинчи синфда ўқийдиган ўғлим. — Танаффус пайтларида бир-биримиз билан курашамиз, қувлашамиз...

Шу ўғлимни ўқишга қизиқтираман деб, эҳ-ҳе, нима ишлар қилмадим! Қанча шеър-у эртаклар айтиб бердим, қанча китобчалар келтириб бердим. Бефойда! Охири энг катта «кузурим»ни ишга солдим. Қишлоққа борганимда эски уй шифтига осиб қўйилган боғламлардан бир неча китобча олиб келдим. Бу мен ўша болалигимда ўқиган китобчалар эди. Варақланавергалидан варақлари тилиб кетган, сўнг ип билан тикилган китобчани ўғлимга узатдим:

— Бу китобни мен укангдайлигимда ўқиганман, бошдан охиригача ёдлаганман. Кейин, қара, ўзим тикканман. Тикаётганимда қўлимга игна кириб кетган...

— Ўзингиз тикканмисиз? — ажабланиб сўради ўғлим.

— Ҳа, — дедим ўйлаганимдек бўлаётганидан, яъни ўғлим таъсирланаётганидан қувониб. Аммо унинг навбатдаги саволи устимдан бир челак сув қуйгандек бўлди:

— Дада, тикиб ўтирмай... Янги китоб оп қўяқолсангиз бўлмасмиди?

Аламимдан дод деворай дедим. Ахир мен бу китобчани не-не умидлар билан олиб келгандим. Ўғлим «дадам биринчи синфда ёдлаган экан-у, мен ёдлай олмайманми» деб ўқийди, ёдлайди, менинг болалигим билан ўзаро баҳслашади деб умид қилувдим... Ажабо, отам менинг кўп ўқишимдан қўрққанди, жинни бўлиб қолади деб, мен ўғлимнинг ўқимаслигидан қўрқаяпман, келажаги нима бўлади деб!

Қизим колхоз кутубхонасидан китоб олиб келганда ҳам умид билан қувонган, аммо бу китобни ярим йилгача топширмаганидан сўнг қалбимда ташвиш ҳиссини туйгандим.

Қалбимдаги ана шу ташвиш ҳисси оғриқли бир дардга айланиб бормоқда. Менинг бир ўғлим билан бир қизим ўқимаса, осмон узилиб ерга тушмас. Аммо менинг ташвишланаётганим, қўрқаётганим шундаки, ўқишга қизиқмаслик миллатимиз келажагига эпидемия янглиғ таҳдид солиб турибди.

«Ленин учқуни»да бир суратга кўзим тушди. Америкалик ўн икки яшар бола ўз самолётида қатор мамлакатларни айланиб чиқибди! Ўзбекнинг ўн яшар боласи оддий енгил машинани бошқара олмайди! «Э, у — америкалик-да!» дейсизми? Қачонгача улар америкалик, биз — осиёлик деб ўзимизни ерга урамиз? Аждодларимиз бизга ўхшаб паст кетишмаганди-ку! Ўша Американи ҳам бизнинг буюк бобокалонимиз ал-Беруний кашф этганди-ку! Ғ. Ғулом айтганидек, «бизнинг ота-боболар «Ал-жабр»ни этишганда ҳал, улар санай олмасди ўн бармоқни мукаммал!» Боболаримиз ўз китоблари билан Оврупони уйғотишди, оврупоиликларга сабоқ беришди. Биз эса улардан сабоқ олишга ҳам ярамаяпмиз!

Яқинда «Литературная газета»да бир мақола ўқиб юрагимга яна ўт тушди. Олтмишинчи йиллардаёқ америкалик болалар электрон ўйинчоқларга эга бўлишган, ҳозирги кунда энг севган ўйинчоқлари компьютер экан! Болалар компьютерни программалаштиришда катталарни ортда қолдиришаётганмиш. Программалаштиришни эгаллаб олган ёшгина болакай эса ўз компьютери ёрдамида донишманд олим билан баҳслашиши мумкин. Буни шундан ҳам билса бўладики, айрим америкалик болалар фирмалар эълон қилган муаммолар ечимини топиб бериб юз минг доллар ва ундан ҳам катта мукофотларни қўлга киритишибди. Тасаввур қилинг, ўн икки ёшли бола машҳур олимлардан ҳам зўр чиқиб юз минг долларга эга бўлиб ўтирса!

Майли, Американи нари қўйиб турайлик-да, қардош жумҳуриятлар билан таққослайлик ўзимизни. Марказий газета-журналларнинг қайси бирини очиб қараманг, муаллифларнинг — ёзувчи, олим, мутахассисларнинг фамилияси «ян-ян», «дзедзе» билан тугайди, яъни арманлар ва гуржилар! Мен бу гапни уларга ҳасад қилганимдан эмас, ҳавас қилганимдан айтаяпман. Ахир Арманистон ва Гуржистон бизнинг каттароқ вилоятимизга тенг жумҳуриятлар-ку! Ўтмишда улар бизга ҳавас қилишган. Салдадзенинг китобини ўқиб кўринг: отаси ибн Синони дунёнинг устуни деб биларкан. Энди эса... ҳолимиз хароб!

Халқимиз эртанги кунни ўйламайдими? Ўйлайди! Яхши ниятлар қилмайдими? Қилади! Масалан, эр-хотин ўқитувчи қўшниларимизнинг учта ўғиллари бор: Улуғбек, Ойбек, Ҳамза. Шу исмларнинг ўзиёқ ота-онанинг орзу-ўйини акс эттириб турибди. Лекин от қўйиш билангина орзу-умид рўёбга чиқиб қўяқолганда-ку... Унда ўн беш миллион ўзбекнинг ҳаммасини оти Алишер, Улуғбек, Заҳириддин, Нодира, Ҳамза, Ойбек бўлиб кетарди. Умид билан от қўйдикми, энди ана шу умидимизнинг амалга ошиши учун курашайлик-да, ахир! Боягги бизнинг қўшниларимиз-ку — ҳар ҳолда икковиям ўқитувчи — кечаси-кундузи болаларига сабоқ беришаётгандир. Қолган ўн минглаб Улуғбеклар, ўн минглаб Ойбеклар, Ҳамзалар-чи? Уларнинг ҳақиқий Улуғбекларга, ҳақиқий Ойбек-у Ҳамзаларга айланиши учун чинакамига қайғураяпмизми? Мутлақо! Айниқса, қишлоқ ўқитувчиларини кўриб турибмиз: бири дарсда ўтириб сотиладиган сабзисини ўйлайди, бири ювилмай қолган кирини! (Ҳаммаси эмас, албатта).

Ахир бизга олим ёки ўқитувчи хонадонидан чиққан бир-иккитагина донишманд эмас, ёппа билимдонлар керак. Йўқса, миллат қаддини ростлай олмайди. Менимча, ўқитувчиларда масъулият туйғусини уйғотиш учун уларда аввало касб ғурурини ва миллий ғурурни уйғотиш зарур. «Коллективлаштириш даврида колхоз раисидан фаолроқ рол ўйнаган ўқитувчининг қадри, мавқеи нега бунчалик пасайиб кетди?» «Бир замонлар жаҳон тараққиётига улкан таъсир кўрсатган ўзбек халқи нега бугунга келиб ортда қолиб кетди?» деган саволлар ўқитувчи юрагини куйдирмас экан, у масъулиятни ҳис қилмайди, чаласавод бўлиб қолаётган болага эмас, вақтида сув ичмаган молига ичи ачиб юраверади.

Иккинчи томондан, ота-оналар масъулиятини ҳам кескин ошириш зарур. Айрим ота-оналар ўғилларига данғиллама уй қуриб бериш билан ўз бурчларини бажарган ҳисоблайдилар. Хўш, бу данғиллама уй ўғилларининг ақлига ақл қўшиб қўя оладими ёки бир умр қозонига гўшт ташлаб турадими, унга жамиятда маълум мавқеини олиб берадими! Йўқ, бу уй савлат тўкиб туришдан бошқага ярамайди, нари борса йилда бир-икки келадиган меҳмонлар мақтаб кетишлари мумкин — шу, холос. Ана шу уйга сарфланган пул боланинг ўқимишли, билимдон бўлишига хизмат қилганда-чи? Обрўли, ўқимишли йигит вақти келиб бундан-да зўррoқ уй қуриб олиши мумкин. (Гап уйда бўлса!) Бундан ташқари у эл-улус ўртасида катта нуфузга эга бўлади, миллат ривожига кўпроқ ҳисса қўшади.

Яна бир мулоҳаза. Мактаб — пудратчи, ижрочи муассаса, биз, ота-оналар эса буюртмачилармиз. Бирон кооперативга уй қуриш бўйича буюртма берсак, ҳар куни текшириб турамиз: «Нега деворини қийшиқ ураяпсизлар?», «Нега сувоғи силлиқ чиқмаяпти?» деб. Аммо буюртмамизни ўн йил мобайнида бажарадиган мактаб билан ишимиз йўқ. У буюртмамизни «брак» қилиб бажарса ҳам, яъни ақлли-ҳушлигина боламизни чаласавод қилиб чиқарса ҳам, қабул қилиб олаверамиз.

Менимча, бутун халқ бир бўлиб оёғимиздан чалиб ётган лоқайдлик касалига қарши кураш бошлашимиз зарур. Бунда мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини, улар ўртасида ўзаро назоратни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Ўз шогирди тақдири учун қайғурадиган мураббий унинг ота-онасидан болага етарли шарт-шароитларни яратиб беришни талаб қилишга тўла ҳақлидир. Айни вақтда ота ёки она миллат тақдирига дахлдор масъулиятли вазифани бажара олмаётган ўқитувчининг бу соҳадан четлатилишини талаб қилишгача ҳам қонунан, ҳам маънан ҳақлидир. Ота-оналар ўз қўмиталари орқали буюртмани бажарувчи муассаса — мактаб фаолиятини қатъий назорат остига оладиган давр келди!

Мухтор НОСИР,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ—32-54-65.

Тиражи 513500 нусха
ИНДЕКС: 64607

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ

Д. — 23133.
Р. — 03110.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.